ШОНАЛИ ЮБИЛЕЙНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 54 (4513).

17 МАРТ ЖУМА 1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ОҚҚЎРҒОН, СИРДАРЁ, КИРОВ, УЙЧИ, НАРПАЙ, СВЕРДЛОВ, ШАХРИСАБЗ, ЖАРҚЎРҒОН, УРГАНЧ ВА ТЎРТКЎЛ РАЙОНЛАРИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТЧИЛАРИНИНГ 1972 ЙИЛДА ПАХТА ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН ОЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Оққўрғон, Сирдарё, Киров, Уйчи, Нарпай, Свердлов, Шаҳрисабз, Жарқўрғон, Урганч ва Тўрткўл районларининг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари КПСС XXIV съезди қарорларини бажара бориб, ўтган йили пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа ҳамма тармоқларини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришдилар.

Шу районлардаги колхоз ва совхозлар СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонлашга қарор бериб, 1972 йилда пахта ҳамда деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни анча кўпайтириш мажбуриятини олдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Оққўрғон, Сирдарё, Киров, Уйчи, Нарпай, Свердлов, Шаҳрисабз, Жарқўрғон, Урганч ва Тўрткўл районлари меҳнатчиларининг СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигини нишонлаш юзасидан олган социалистик мажбуриятларини маъқуллади.

Область, район партия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига, касаба союз ва комсомол ташкилотларига мазкур районлар мажбуриятларини кенг кўламда муҳокама қилиб, шу асосда СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа ҳамма тармоқларини юксалтириш учун социалистик мусобақани авж олдириб юбориш топширилди.

ОЛИЙ МУКОФОТГА МУНОСИБ ИШЛАЙЛИК

Шу кеча-кундузда областимиз меҳнаткашлари яна бир унутилмас, бениҳоя қувончли воқеани тантана қилмоқдалар. Областимизга иккинчи марта Ленин ордени топширилди. Бу юксак мукофот ҳар биримизнинг қалбларимизни қувончларга тўлдириб юборди. Иккинчи Ленин ордени — ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлилар, барча меҳнат аҳли, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, бутун жамоатчилик саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришда саккизинчи беш йиллик план топшириқларини бажаришда эришган катта муваффақиятлари учун берилган юксак мукофотдир.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали йиғилишда областимизнинг районлари, шаҳарлари, саноат корхоналари ва колхоз, совхозлардан, қурилишлар ва олий ўқув юртларидан келган турли касб эгалари, илғор кишилар областимизнинг барча меҳнаткашлари номидан жонажон Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига оталарча ғамхўрликлари учун чин қалбдан миннатдорчилик изҳор қилдилар, қизғин саломлар ва қалб ҳароратларини йўлладилар. Пойтахт области меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида ўтган йиллар ичида улкан зафарларни қўлга киритдилар.

Халқ хўжалигини ривожлантиришга капитал маблағ сарфлаш олдинги беш йилликдагига қараганда икки баравар кўп бўлди, яъни 4 миллиард сўмдан ортиқни ташкил этди. Ана шу йиллар мобайнида 110 та саноат корхонаси ва йирик цехлар ишга туширилди ва реконструкция қилинди. Беш йиллик давомида меҳнат унумдорлиги 28 процент ўсди ва саноат маҳсулоти ўсишининг учдан икки қисми фақат ана шу ҳисобга бўлди. Республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрининг жамоли йил сайин гўзаллашиб бормоқда. Бутун мамлакат қаттиқ зилзиладан зарар кўрган шаҳарни қайта тиклашда қардошларча дўстона ёрдам кўрсатди. Бунинг натижасида Тошкент навқирон бўлиб қолди.

Утган беш йилликда областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари юксак марраларни эгалладилар. Пахта етиштириш бўйича беш йиллик план ошириб бажарилди. Она-Ватан 1 миллион 726 минг тонна яъни пландагидан 100 минг тонна кўп «оқ олтин» олди. Утган йили мамлакатга 389 минг тоннадан ортиқ пахта топширилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 27,1 центнерга етказилди. Ҳосилнинг 60 процента машиналар билан териб олинди. Ғалла, шоли, каноп, гўшт, сут, жун, боғдорчилик, сабзавот, пилла тайёрлаш бўйича беш йиллик топшириқлари ҳам муддатидан илгари бажарилди.

Хўжалик ва маданий қурилишдаги улкан муваффақиятлар КПССнинг катта ва жанговар отрядларидан бири, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг мустаҳкам таянчи — область партия ташкилоти раҳбарлигида қўлга киритилди. Область меҳнаткашлари олий мукофотни ўтмишдаги хизматларнинг эътироф қилинишигина деб қабул қилиб қолмасдан, шу билан бирга бундан сўнгги ишларга рағбатлантирувчи ҳаётбахш восита деб, коммунизм йўлида янги меҳнат ғалабаларига эришишда илҳомбахш куч деб қабул қиладилар.

Тўққизинчи беш йилликда областимиз саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги, маданият-фан, барча соҳаларда янада катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Янги беш йилликнинг иккинчи йилига юксак социалистик мажбуриятлар олинди. КПСС Марказий Комитетининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисидаги қароридан илҳомланган областимиз меҳнаткашлари кўпмиллатли совет халқининг улуғ байрамини муносиб кутиб олиш учун ғайрат, ташаббус ва юксак ватанпарварлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Ҳамма ерда сиёсий ва меҳнат активлиги жўш урмоқда. 1972 йилги план ва топшириқлар ҳамда социалистик мажбуриятлар юксак ва улкан эканлигини тўла ҳис этган ишчилар, деҳқонлар, барча меҳнат аҳли областимиз экономикасини янги истиқболлар сари ривожлантириш учун социалистик мусобақани кучайтириб, янгидан-янги резервларни қидириб топмоқдалар ва ишга солмоқдалар. Меҳнат унумдорлигини ошириш, иқтисодий тежамкорликни амалга ошириш тадбирларини кўрмоқдалар.

Юксак мукофот ҳар бир меҳнаткашни, партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ходимини, ҳаммамизни меҳнатда янги зафарларга, улкан ишларга чорлайди. Олий мукофотга муносиб бўлиш, уни кундалик ишимиз билан, партия, ҳукумат, Ватан ва халқимизга чексиз садоқатимиз билан оқлаш — областимиздаги ҳар бир меҳнаткашнинг шарафли бурчи ҳамда вазифасидир. Утган ишларга якун ясар эканмиз, олдимизда турган галдаги масъулиятли вазифаларни унутмаслигимиз лозим. Бу йил саноат ишлаб чиқаришини ўтган йилларга нисбатан бир неча баравар оширишимиз, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини янада кўпроқ етиштиришимиз, Ватан, халқ бойлиги бўлган «оқ олтин»ни 400 минг тоннага етказишимиз лозим. Бу ишлар ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун фидокорона меҳнат қилиш, катта ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўрсатиш, омма ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни юксак даражага кўтаришимиз керак.

Ўтган йилларнинг тажрибаси шу нарсани кўрсатдики, областимизнинг бир неча саноат корхоналари йиллик планни бажармадилар, давлат олдида қарздор бўлиб қолдилар. Меҳнат унумдорлиги кутилган даражада бўлмади. Кўпгина объектлар ўз вақтида қурилиб, ишга туширилмади. Бундай аҳволни қишлоқ хўжалигида ҳам кўриш мумкин. Баъзи колхоз ва совхозлар деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини планда белгиланган миқдорда етказмадилар. Уларнинг кўрсаткичлари ҳар хил бўлди. Пахтачилик хўжаликларида ҳосилдорлик ва механизациялаш соҳасида юксак кўрсаткичга эришган колхоз ва совхозлар билан бир қаторда, кам ҳосил етиштираётган ва деҳқончилик маданиятини оширмаётган хўжаликлар ҳам бор. Партия, совет ва хўжалик ташкилотлари бу масалаларга алоҳида эътибор беришлари керак. Шунга эришайликки, 1972 йилда план ва топшириқларни, олинган социалистик мажбуриятларни бажармаган биронта ҳам саноат корхонаси, қурилиш объекти қолмасин. Колхоз ва совхозларда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулдорлигини ошириш учун прогрессив усуллар ,илғор тажрибалар, фан ва техника ютуқларидан оқилона фойдаланайлик. Чорвачилик соҳасида белгиланган марраларни эгаллаш, сабзавотчиликдаги тадбирларни амалга ошириш бу борада иш олиб бораётган хўжаликларнинг шарафли бурчидир. Ҳар бир ишни ўз вақти-соатида ва маромида амалга ошириш ғалабанинг калити бўлгани сингари, бу йилги улкан ишларга ҳозирдан пухта замин яратмоғимиз лозим. Қишнинг қаттиқ келганлиги натижасида кўклам дала ишлари кечикиб кетаётганлигини ҳисобга олиш, уюшқоқлик, интизом, ғайрат ва ташаббус, сабот ва матонат кўрсатиб ишлаш, қийинчиликларни енгиб, олдимизга қўйилган юксак мақсад учун бардам қадам ташлаб боришимиз — совет кишиларига, коммунистларга хос ҳислатдир.

Бутун мамлакатимиз меҳнаткашлари улуғ айём арафасида турибдилар. Совет давлати ташкил топган тарихий кунининг ярим асрлик тўйга ҳамма ерда қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Қўшорденли областимиз меҳнаткашлари ҳар қачонгидек бу йил ҳам коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини бажариш учун сабот-матонат кўрсатишлари, куч ва ғайратларини аямай меҳнат қилишлари, юксак мукофотга — қўш орденга муносиб бўлишлари лозим.

ТАШАББУСГА КЕНГ ЙЎЛ

Оққўрғон, Сирдарё, Киров, Уйчи, Нарпай, Свердлов, Шаҳрисабз, Жарқўрғон, Урганч ва Тўрткўл районлари қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг 1972 йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан олган социалистик мажбуриятлари

Оққўрғон райони хўжаликлари 1972 йилда 90 минг тонна, яъни планда белгиланганидан 15 минг тонна кўп пахта етиштиришга, 1975 йилда эса пахта етиштиришни 95 минг тоннага етказишга, беш йиллик давомида давлатга пландан ташқари 66 минг тонна пахта сотишга қарор қилдилар.

1972 йилда пахта ҳосилдорлиги ўрта ҳисобда 31,3 центнер, яъни 1971 йилга нисбатан 2 центнер ортиқ бўлади, 1975 йилга борганда эса ҳосилдорлиқ гектар бошига 33 центнерга етказилади ёки беш йиллик мобайнида 4 центнер оширилади.

1972 йилда машина теримининг салмоғи ялпи ҳосилнинг 75 процентига, 1975 йилда эса 80 процентига етказилади.

Район колхоз ва совхозлари деҳқончилик маданиятини ошириш учун курашиб, экинлар структурасида беданинг салмоғини 1970 йилдаги 12 процентдан 1975 йилда 18 процентга етказишга қарор бердилар.

Район чорвадорлари чорва маҳсулдорлигини ошириш: ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сутни 1972 йилда 2500 килограммга етказиб, 1971 йилдагидан 400 килограмм ошириш, 1975 йилда эса 2900 килограммга етказиш мажбуриятини олдилар. Ғўшт учун давлатга топшириладиган қорамолнинг тирик вазни 1972 йилда 400 килограммга етказилади. Ғўшт етиштириш 1850 тоннагача кўпайтирилади, беш йиллик давомида эса 1,5 баравар, сут ва тухум етиштириш камида 1,7 баравар кўпайтирилади.

СИРДАРЁ РАЙОНИНИНГ колхоз ва совхозлари 1972 йилда 45 минг тонна, яъни 1971 йилдагидан 8,5 минг тонна кўп пахта етиштиришга, беш йилликда эса давлатга планда белгиланганидан 45 минг тонна ортиқ пахта топширишга қарор бердилар.

Бу йил пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 31 центнерга, 1975 йилда эса 33 центнерга етказиш белгиланди.

1972 йилда машина теримининг салмоғи ялпи ҳосилнинг 60 процентига, 1973 йилда 70 процентига ва 1975 йилда 80 процентига тенг бўлади.

Район колхоз ва совхозлари деҳқончилик маданиятини ошириш учун курашиб экинлар структурасида беданинг салмоғини 1972 йилда 18,7 процентга, 1975 йилда эса 20 процентга етказишга қарор қилдилар.

Район чорвадорлари ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сутни 2800 килограммга, 1975 йилда эса 3000 килограммга етказишга қарор бердилар. Ғўшт учун топшириладиган қорамолнинг тирик вазни бу йил 430 килограмм, 1975 йилда 500 килограмм бўлади. Бу йил 1090 тонна ғўшт етиштирилади, беш йилликда ғўшт етиштириш камида 1,5 баравар, сут етиштириш 1,6 баравар, тухум етиштириш икки баравар кўпайтирилади.

КИРОВ районининг колхоз ва совхозлари 1972 йилда 63 минг тонна пахта етиштириш, беш йилликда пландан ташқари 45 минг тонна пахта топширишга аҳд қилдилар. Шу давр ичида ҳосилдорлик гектар бошига 30 центнердан 33 центнерга етказилади, 1972 йилда ялпи ҳосилнинг 44 процента, 1975 йилда эса камида 60 процента машинада терилади.

Район хўжаликлари деҳқончилик маданиятини ошириш учун курашиб экиплар структурасида беданинг салмоғини 1972 йилда 16,2 процентга ва 1975 йилда эса 19 процентга етказадилар.

Шу йил ҳар бир сигирдан ўрта ҳисобда 1610 килограмм, 1975 йилда 2000 килограмм сут соғиб олинади. Ғўштга топшириладиган қорамолнинг тирик вазни бу йил 380 килограммга ва беш йиллик охирига бориб 400 килограммга етказилади, ғўшт етиштириш бу йил 1270 тоннага ва 1975 йилда 1370 тоннага, сут етиштириш эса бу йил 6070 ва 1975 йилда 7210 тоннага етказилади.

УЙЧИ РАЙОНИНИНГ қишлоқ хўжалик меҳнатчилари бу йил давлатга 47 минг тонна, 1973 йилда 48 минг тонна ва 1975 йилда 50 минг тонна пахта сотиш, 1972 йилда пахта ҳосилдорлигини гектар бошига 35 центнерга, 1975 йилда 36 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар.

Бу йил ялпи ҳосилнинг 43 процента, 1973 йилда 52 процента, беш йиллик охирида 60 процента машинада териб олинади.

Экинлар структурасида беданинг салмоғи 1971 йилдаги 11,4 процентдан 1975 йилда 19,4 процентга етказилади. Беш йиллик охирига бориб ҳамма хўжаликлар тўла алмашлаб экишга ўтказилади.

Шу беш йилликда гўшт етиштириш камида 1,5 баравар, сут етиштириш, 1,6 баравар, тухум етиштириш 1,7 баравар кўпайтирилади.

НАРПАЙ РАЙОНИнинг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари 1972 йилда 78 минг тонна ёки планда белгиланганидан 8,5 минг тонна кўп, 1975 йилда 81,4 минг тонна пахта етиштиришга қарор қилдилар. Шу беш йилликда пахта ҳосилдорлиги, 30,5 центнерга етказилади.

1972 йилда ялпи пахта ҳосилининг 46 процента, 1975 йилда эса 63 процента машинада терилади.

Район колхоз ва совхозлари деҳқончилик маданиятини ошириб, экинлар структурасида беданинг салмоғини 1972 йилги 11 процентдан 1975 йилда 17,8 процентга етказадилар.

Чорвадорлар 1972 йилда 2870 тонна, 1975 йилда эса 3760 тонна ёки 1971 йилдагидан 1030 тонна кўп ғўшт бу йил 6100 тонна ва 1975 йилда 7520 тонна сут, беш йиллик охирида 2 миллион дона тухум етиштирадилар.

СВЕРДЛОВ РАЙОНИнинг хўжаликлари 1972 йилда 50 минг тонна пахта етиштириб давлатга сотиш, ҳар гектар ердан камида 36 центнер ҳосил олиш, 1975 йилга борганда пахта етиштиришни 55 минг тоннага ва ҳосилдорликни гектар бошига 39 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар.

Бу йил ялпи пахта ҳосилининг 40 процента, 1975 йилда эса камида 60 процента машинада териб олинади.

1972 йилда бедапоялар 3245 гектарга етказилиб, 1975 йилда экинлар структурасида беданинг салмоғи камида 18 процент бўлади.

1972 йилда 1300 тонна ғўшт, 3330 тонна сут, 1,5 миллион дона тухум етиштирилади, 1975 йилда 1500 тонна ғўшт, 3900 тонна сут ва 1,8 миллион дона тухум етиштириш белгиланган.

ШАҲРИСАБЗ РАЙОНИнинг колхоз ва совхозлари 1972 йилда 60 минг тонна, яъни планда белгиланганидан 13 минг тонна кўп пахта етиштиришга, 1973 йилда 65 минг тонна, 1974 йилда 70 минг тонна ва 1975 йилда 75 минг тонна пахта етиштиришга аҳд қилдилар. Беш йиллик давомида пландан ташқари давлатга 100 минг тонна пахта сотилади. Бу йил гектар бошига 29,6 центнер ёки ўтган йилгидан 5,2 центнер кўп. 1975 йилда эса камида 33 центнер пахта ҳосили олинади.

1972 йилда ялпи пахта ҳосилининг 41 процента ва 1975 йилда камида 60 процента машинада териб олинади.

Район чорвадорлари чорва маҳсулдорлигини оширадилар. 1972 йилда 1800 тонна ёки планда белгиланганидан 207 тонна кўп ғўшт, 1975 йилда эса 2670 тонна ёки планда белгиланганидан 907 тонна кўп ғўшт етиштирилади, беш йиллик давомида сут етиштириш 1,7 баравар, тухум етиштириш икки баравардан зиёд кўпайтирилади.

ЖАРҚЎРҒОН РАЙОНИнинг қишлоқ хўжалик меҳнатчилари 1972 йилда 65 минг тонна пахта, шу жумладан 36 минг тонна ингичка толали пахта, 1975 йилда 70 минг тонна пахта ва 40 минг тонна ингичка толали пахта етиштириш мажбуриятини олдилар.

Бу йил ҳосилдорлик гектар бошига 40 центнерга етиб, аввалги йилларгидан 3 процент ошиб кетади, 1975 йилда эса ҳосилдорлик 42 центнерга етказилади.

1972 йилда толасининг узунлиги ўртача бўлган нав пахтанинг 75 процента, 1975 йилда эса 80 процента машинада терилади.

Экинлар структурасида беданинг салмоғи 1975 йилда 18,7 процентга етказилади, алмашлаб экиш тўла-тўкис жорий қилинади.

Бу йил 1520 тонна ва 1975 йилда 2200 тонна ёки 1971 йилдагидан 1,5 баравар кўп ғўшт етиштиришга қарор берилди. Сут етиштириш 1971 йилга нисбатан 1,7 баравар ва тухум етиштириш 1,5 баравар кўпайтирилади.

УРГАНЧ РАЙОНИнинг меҳнатчилари 1972 йилда 50 минг тонна ёки планда белгиланганидан 9 минг тонна кўп пахта етиштириш, гектар бошига 41 центнер ҳосил кўтариш, 1975 йилда эса ялпи пахта ҳосилини 52 минг тоннага, гектар бошига ҳосилдорликни эса 43 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар. 1972 йилда ялпи ҳосилнинг камида ярмиси, 1973 йилда 55 процента ва 1975 йилда сал кам 60 процента машинада терилади.

Район хўжаликлари деҳқончилик маданиятини ошириб, бу йил бедапояларни жами экинзорларнинг 15 процентига, 1975 йилда эса 22,5 процентга етказадилар.

Чорвадорлар чорва маҳсулдорлигини оширадилар. Ғўштга топшириладиган қорамолларнинг тирик вазни камида 400 килограммга етказилади. Бу йил 2200 тонна, яъни ўтган йилдагидан 800 тонна кўп ғўшт етиштириш белгиланди, беш йиллик давомида эса ғўшт етиштириш 2,5 баравар, сут етиштириш 1,5 баравар, тухум етиштириш беш баравар кўпайтирилади.

ТЎРТКЎЛ РАЙОНИНИНГ пахтакорлари бу йил камида 70 минг тонна ёки ўтган йилдагидан 5,9 минг тонна кўп пахта етиштириш, 1975 йилда пахта ҳосилини 80 минг тоннага етказиш мажбуриятини қабул қилдилар. Бу йил ҳосилдорлик гектар бошига 41,4 центнерга етиб, 1971 йилдагидан 3,4 центнер ошиб кетади.

1972 йилда ялпи ҳосилнинг 45 процента, 1973 йилда 50 процента ва 1975 йилда 70 процента машинада териб олинадиган бўлади.

Район хўжаликлари деҳқончилик маданиятини ошириш учун курашиб ҳар йили бедапояларни кўпайтириб бордилар ва беш йиллик охирида экинлар структурасида бедапоялар салмоғи 21 процентга етказилади.

Район чорвадорлари чорва маҳсулдорлигини, сут соғиб олишни, ғўштга топшириладиган чорва молларнинг тирик вазнини кўпайтирадилар. Қорамолнинг вазни шу йилнинг ўзидаёқ 400 килограммга етказилади, беш йилликда ғўшт етиштириш 1,5 баравар, сут етиштириш 1,6 баравар, тухум етиштириш 1,6 баравар кўпайтирилади.

Тошкент экскаватор заводининг ишчиси, коммунист Эльмир Хабибулин корхона машъалларидан ҳисобланади. У бир йўла уч дастгоҳда ишламоқда. Ўртоқ Хабибулин СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллик юбилейи шарафига зиммасига шахсий мажбурият олган ҳолда ишламоқда. Ишлаб чиқариш илғорининг бу йилги режаси йиллик планни тўққиз ойда бажариш. Суратда: Э. Хабибулин.

В. Сироткин, И. Глауберзон фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЧОРВАДОР» ФАХРИЙ УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Чорвачиликни ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш ва чорва маҳсулдорлигини оширишдаги узоқ йиллик ва самарали ишлари учун «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвадор» фахрий унвони берилсин.

Тошкент области бўйича:

Абилова Хурсанга — Ўрта Чирчиқ районидаги «Ташплемсовхоз» сут соғувчиси.

Акромова Сожига — Бўстонлиқ районидаги 14-боғдорчилик виночилик совхози сут соғувчиси.

Бойназаров Жалолга — Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози молбоқари.

Жўраева Меҳрига — Оржоникидзе районидаги Киров номли колхоз сут соғувчиси.

Каримова Тўхтага — Калинин районидаги «Ленин йўли» колхози сут соғувчиси.

Кошкинбоев Айдарбекка — Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз бош чўпони.

Ли Верага — Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхози сут соғувчиси.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ,

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1972 йил, 3 март, Тошкент шаҳри.

ПОКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ З. А. БХУТТО МОСКВАГА КЕЛДИ

Покистон ислом республикасининг президенти Зулфиқор Али Бхутто 16 мартда расмий визит билан Москвага келди.

Покистон ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида президентни СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Д. С. Полянский, СССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари В. И. Рубен ва бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

Аэродромда фахрий қоровул саф тортиб турди. Давлат гимнлари ижро этилди.

(ТАСС).

АФҒОНИСТОН БОШ МИНИСТРИ АБДУЛ ЗОҲИР МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Афғонистон бош министри Абдул Зоҳир 16 мартда Москвадан Сочига жўнаб кетди. У Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий дўстона визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибди. Олий меҳмон Сочидан ташқари Тошкент ва Самарқандда бўлади.

Афғонистон ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромидан СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Д. С. Полянский ва бошқа расмий кишилар Абдул Зоҳирни узатиб қолдилар.

(ТАСС).

АНДИЖОННИНГ 550 МИНГ ТОННА ПАХТАСИ УЧУН

АНДИЖОН, 16 март. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Андижон область қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Ўтган йилнинг якунлари ва область қишлоқ меҳнатчиларининг тўққизинчи беш йиллик иккинчи йилидаги вазифалари тўғрисида область партия комитетининг секретари И. Қурбонов доклад қилди.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Ж. Худойбердиев нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари 1972 йилда давлатга 550 минг тонна пахта бериш, дон, чорвачилик маҳсулотлари, сабзавот, мева, полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилдилар.

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ Р. НИКСОННИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

1971 йил октябрида эълон қилинганидек, Совет Иттифоқи раҳбарлари билан Қўшма Штатлар президенти Р. Никсон ўртасида 1972 йил май ойининг иккинчи ярмида Москвада учрашув ўтказиш тўғрисида келишиб олинган эди. Бу учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янада яхшилаш ва ялпи тинчлик истиқболларини мустаҳкамлаш мақсадида ҳамма асосий масалалар кўриб чиқилган бўлур эди.

Ҳозир томонлар президент Никсон 1972 йилнинг 22 майида расмий визит билан Москвага келади деб келишдилар.

(ТАСС).

БИНОКОРЛАР ИСЛОҲОТ ТАРАДДУДИДА

КПСС XXIV съезди Директиваларида беш йиллик мобайнида қурилиш ташкилотларида планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасини жорий қилиш, қуриб битказилган объектлар ёки иш босқичлари учун ҳисоб-китоб қилишнинг прогрессив формаларини қўлланишга ўтишни тугаллаш қайд қилинган.

Пойтахтимиз бинокорлари ҳам иқтисодий ислоҳотга кўпдан тайёргарлик кўриб келмоқда. Қурилиш трестлари ва бошқармаларининг инженер-техник ходимлари иқтисодчилар билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришни планлаштириш ва бошқаришнинг янгича усулига ўтиш тадбирларини белгиладилар. Бу йил «Главташкентстой»га қарашли бош пудратли ҳамда ёрдамчи пудратчи ташкилотлар бирин-кетин хўжаликни бошқаришнинг янги, прогрессив усулига ўтиб иш бошлайдилар.

Бу йўлда дастлабки қадамлар қўйилди. Чунончи, «Оргтехстрой» трести ва унинг ҳузуридаги ахборот-ҳисоблаш маркази янги иқтисодий ислоҳотга ўтиб ишлаш учун керакли бўлган баъзи ҳисоб-китобларни тайёрлаб қўйдилар.

Капитал қурилишда ишлаб чиқаришни планлаштириш ва бошқаришнинг янги системаси бажарилган ишларга тўла тугалланган объектлар ёки иш босқичлари бўйича ҳақ тўлашдан иборат. Илгарилари қурилиш ташкилотлари торози босадиган яъни яхлит пул олинадиган ишларни аввал бажариб, қўйиб, майда ишларга қолганда оқсар эдилар. Масалан, бинонинг устунларини қўндириб, ғиштини кўтариб қўйиш яхлит иш бўлиб, ҳақнинг кўп қисми ана шу ишларга тўланганлиги учун бу ишлар барвақт бажарилиб, унинг пардозлаш, ободонлаштириш ва бошқа ишлари чўзилиб кетарди. Маълумки, бирйўла қурилаётган биноларнинг кўпайиб кетиши давлат учун жуда катта зарар келтиради.

КПСС XXIV съездида бирйўла қуриладиган бинолар сонини камайтирган ҳолда бошлаб қўйилган биноларни тўла-тўкис фойда лаланишга топширгандан сўнггина янги ишга ўтиш лозимлиги уқтирилди. Ана шундай қилинганда капитал маблағлар кўп объектларга сочилиб кетмайди. Қурилишни планлаштириш ҳамда рағбатлантиришнинг янги системасида сарфланган ҳаражатнинг ўрнини қоплаш тезлашади. Бинобарин, капитал маблағлар оборотн жадаллашади. Партия ва ҳукуматимиз қурилиш ишлаб чиқаришини планлаштиришни такомиллаштириш, лойиҳа смета ишларини яхшилаш, бир сўз билан айтганда иқтисодий ислоҳотни жорий этишга катта эътибор бераётганлигининг боиси ҳам шундадир.

Қурилиш ишлаб чиқаришини бошқаришнинг янги усулида юқори ташкилотлар пудратчи ташкилотлар учун план кўрсаткичлари сонини бирмунча камайтиради. Асосий планда ишлаб чиқариш қувватларини ёки объектларини фойдаланишга топшириш, қурилиш объектлари ёки босқичлари бўйича қурилиш-монтаж ишларини ҳажми кўрсатилади, холос. Қурилиш ташкилоти фаолиятига ишлаб чиқариш қувватлари ва объектлари, иш босқичлари бўйича ҳисобот йилида қилинган ишлар ҳамда фойда планининг бажарилишига қараб баҳо берилади. Қолган барча кўрсаткичлар ҳисоб-китоб қилиш учун талаб этилади.

Иқтисодий ислоҳотга ўтилгач пудратчи ташкилотларга жуда катта ҳуқуқлар берилади. Чунончи, ишчи-хизматчилар сони, меҳнат унумдорлиги, ўртача иш ҳақи, механизация ва қурилиш-монтаж ишлари таннархи планларини қурилиш ташкилотларининг ўзлари ишлаб чиқадилар ва тасдиқдан ўтказадилар.

Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг янги системасида пудратчилар ва буюртмачилар ўртасида ҳисоб-китоб ишлари ҳам осонлашади. Чунки, буюртмачи тайёр маҳсулот, ёки битган иш учун ҳақ тўлайди. Иқтисодий ислоҳот амалга оширилгач, қурилишларни моддий рағбатлантириш яхшиланади. Фойда олишнинг роли бирмунча ортади. Олинган фойданинг анчагина қисми эса қурилиш ташкилотлари томонидан бинокорларни рағбатлантириш учун сарфланади. Бундай иқтисодий рағбатлантиришдан катта манфаат кўраётган қурувчилар объектларни тезроқ фойдаланишга топширишга ҳаракат қиладилар.

Умуман олганда эса, «Главташкентстрой»га қарашли қурилиш ташкилотларида иқтисодий ислоҳотга ўтиш учун бораётган тайёргарликда қатор камчиликлар борки, уларни тезроқ бартараф этишга эришиш керак. Бош бошқарма бўйича меҳнат унумдорлиги плани бажарилмай қолди. Оқибатда кўпгина қурилиш ташкилотлари фойда олиш ўрнига зарар келтирмоқдалар.

Бирйўла қурилаётган объектлар сони ниҳоятда кўп. Ўтган йили Бош бошқармага қарашли бўлинмалар жами бўлиб 158 объектни фойдаланишга топшириш керак бўлгани ҳолда атиги 103 объект қуриб битказилди. Бу эса планлаштиришда йўл қўйилаётган катта хатолар оқибатидир. Кўпинча қурилиш планлари материал-техника ресурслари билан таъминланмаслиги, лойиҳа ҳужжатларининг сифати, асосий ва ёрдамчи ишларнинг механизация даражаси талабга жавоб бермаслиги, капитал маблағларнинг фойдаланишга топширилиши лозим бўлган объектларга жамланмаслиги меҳнат унумдорлигининг пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Планлаштиришнинг чалкашлиги оқибатида техникадан самарали фойдаланилмаётир.

Янги иқтисодий ислоҳотга ўтиш олдидан «Главташкентстрой» бўлинмалари лойиҳа-смета ҳужжатлари аҳволини чуқур ўрганишлари, пудратчилар билан буюртмачилар ўртасидаги турли келишмовчиликларнинг бартараф этишлари, пудрат шартномаларн тузиш, норматив хўжалик ишларида тартиб ўрнатмоқлари зарур. Нокерак асосий фондлар, ўрнатилмаётган ускуналар, ортиқча қурилиш материаллари қурилиш ташкилотлари учун кони-зарардир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, «Главташкентстрой» ташкилотлари ишлаб чиқаришни бошқариш ва планлаштиришнинг янги системасига ўтиш учун жуда катта ташкилий ҳамда техник тадбирларни амалга оширмоқлари керак. Иқтисодий ислоҳот битта қарор чиқариш билангина амалга ошириладиган иш эмас. Бу иш қурилиш ташкилотлари раҳбарлари, инженер-техник ходимлар кунт билан изланишлари, янгиликнинг афзалликларини, ишчилар учун қандай имтиёзлар беришини бинокорларга кенг тушунтиришлари лозим.

«Главташкентстрой» бинокорлари олдида тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида жуда катта вазифалар турибди. Бинокорлар СССР ташкил топган кунинг 50 йиллигини муносиб нишонлаш юзасидан социалистик мажбуриятлар қабул қилганлар. Қурилишда иқтисодий ислоҳотни тез ва сифатли ўтказмай туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмаслиги аниқ.

Ш. ҚОСИМОВ.

Бекободдаги тикувчилик фабрикаси комсомол-ёшлари беш йиллик планни тўрт йилда бажариш ташаббусига қўшилиб, иш вақтидан самарали фойдаланиб, баракали меҳнат қилишяпти. Суратда: фабриканинг чевар тикувчиларидан бири Шакар Абдураҳимова. Илғор тикувчи айни кунларда смена нормасини 125—130 процентдан адо этмоқда.

С. Остонов фотоси.

ОРТИҚБОЙ УСМОНОВ Чирчиқдаги «Узбекхиммаш» заводининг 2-механика цехида узоқ йиллардан бери самарали ишлаб келмоқда. У цехда пешқадамлик қилиб, смена топшириқларини 130—140 процент ошириб адо этмоқда. Суратда: О. Усмонов.

А. Тўраев фотоси.

ҚАЛБ УНДАЙДИ

Завод дарвозасидан ўрта бўй, қорачадан келган, сочларига эндигина бир-икки оқ оралаган бир киши чиқиб келяпти. Ингитлардек дадил қадам ташлаётган, бу кишини бир кўрганингизда етмиш яшар қария деб ўйламайсиз. Завод ишчилари эса унга «Салом, устоз, салом, отахон» деб пешвоз чиқишади.

Бир касбда 40 йил! Бу даврда туғилган гўдак камолотга етиб, давраларда тўрга ўтади, дарахтлар қирқ бор ғунча очади, қишлоқлар шаҳарга айланади...

1928 йил коммунистик партия сафига қабул қилинган Абдуваҳоб Муҳамедов бирқанча вақт Тошкент шаҳридаги мактабларда ёшларга сабоқ ўргатди. Сўнгра Тошкент область халқ маорифи бўлимининг топшириғи билан қишлоққа юборилди.

Абдуваҳоб ака шериклари билан одамлар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришди. Натижа ёмон бўлмади. Янгийўл районининг узоқ бир қишлоғида мактаб очилиб, унга ўн тўққиз нафар ўғил-қиз қатнай бошлади.

Коммунист Абдуваҳоб Муҳамедов 1931-36 йилларда Ленинграддаги Шарқ институтида ўқиди.

Фашистлар Ватанимизга хиёнаткорона бостириб кирганда Абдуваҳоб Муҳамедов кўплар қатори Ватан ҳимоясига отланди. Душманни Берлин гача қувиб бориб, ҳал қилувчи жангларда матонат намуналарини кўрсатди.

Абдуваҳоб Муҳамедов Тошкентга қайтгач, касаба союз ташкилотларида ишлади, 1955 йилдан эса 6-пиво заводининг кадрлар бўлимига раҳбарлик қила бошлади.

Абдуваҳоб аканинг ташаббуси билан ёшларни заводга қабул қилиш, ҳарбий хизматга кузатиш, қарияларни пенсияга узатиш каби маросимлар тантанали суратда ўтказилиб турилади.

Партия сафига кирмоқчи бўлган ёшлар тавсияномани Абдуваҳоб акадан олишга ҳаракат қилишади. Чунки у, ҳар бир завод ишчисини характеридан тортиб, юриш-туришигача яхши билади, билим савияси, сиёсий онглилиги, аҳлоқ ва маданияти жиҳатидан талабга жавоб бера оладиган ишчигагина кафолат беради.

Заводнинг илғор ишчиларидан Эркин Қўчқоров, Турдиали Юнусов, Аҳмад Қўчқоров, Комил Иброҳимовлар Абдуваҳоб аканинг ишончини қозонган.

Кадрлар бўлимида ишлаш осон эмас. Керак бўлганда катта коллективнинг ҳар бир аъзоси билан тил топишишга тўғри келади. Заводга ёш ишчилар келади. Айримлари кўп ўтмай озгина қийинчиликларга бардош беролмайди-да, ишдан бўшаб кетмоқчи бўлишади. Шунда Абдуваҳоб ака улар билан алоҳида гаплашади. Дарров ишга қўли келишавермаслиги, муваффақиятга эришиши учун эса аста-секин уқиб, ўрганиш кераклигини яхшилаб тушунтиради. Бир вақтлари шундай аҳволга тушган оддий ишчи Сергей Володин ҳозир корхонанинг машъалларидан ҳисобланади.

Оташқалб коммунист Абдуваҳоб ака Муҳамедов ҳозир етмиш баҳорни кўрдилар. Кўкракларида «Шавкатли меҳнати учун» медали ярқираб турибди.

Малика САФОЕВА.

1973 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Пойтахтимиздаги «Ўйинчоқлар» фабрикасининг пластмасса цехи ишчилари тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йили планини муддатидан илгари бажарган эдилар. Улар беш йилликнинг иккинчи йилини ҳам муваффақиятли бошладилар. Январь ойи плани 103,3 процентдан, февраль ойи плани 102 процентдан ошириб бажариб, пландаги 88,1 минг сўмлик ўрнига 89,9 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

— Цехимизда,— дейди цех бошлиғи ўрток Р. Бухарбоева,— ҳозир 10 дан ортиқ ишчи 1973 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Раъно Сандакбарова, Мастура Қодирова, Фавзия Шокирова, Альхина Бурнаева кабилар қунлик план топшириқларини 130-135 процентга етказиб адо этмоқдалар.

Цех ишчилари йил бошида социалистик мажбурият қабул қилганлар. Улар йиллик планни 29 декабрда бажаришга, пландан ташқари 20 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилганлар.

Х. ИНОҒОМОВ.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ИШ ТАЖРИБАСИДАН

Меҳнаткашлар депутатлари Чирчиқ шаҳар Совети ижроия комитети КПСС XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг ўтган йил март ойида қабул қилган «Меҳнаткашлар депутатлари шаҳар ва район Советларининг ишини янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб, халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш ҳамда ташкилий оммавий ишлар савиясини яхшилашга қаратилган бир қатор ишларни амалга оширди.

Ўтган йил маҳаллий Советларга сайловдан кейинги шаҳар Советининг бўлиб ўтган 1 сессиясида ўз атрофига 214 депутатни бирлаштирган 17 доимий комиссия ташкил қилинди. Шаҳар Советининг ижроия комитети доимий комиссиялар билан яқиндан мустаҳкам алоқа боғлаб, юқори партия ва совет ташкилотлари, шунингдек ўзлари чиқарган қарорларнинг ижроси устидан узлуксиз контроллик ўрнатиш, улар атрофига жамоатчиликни кенгроқ жалб этиш юзасидан қатор ишларни амалга оширмоқда. Жамоатчи ташкилотнинг мутахассис кадрларини доимий комиссиялар иш фаолиятига кенгроқ жалб этиш тажрибаси хўжаликка амалий раҳбарлик қилиш, ҳаётий масалаларни ўз вақтида узил-кесил ижодий ҳал этиш ва шу йўл билан шаҳар хўжалигига кўрсатма беришгина эмас, балки амалий ёрдам кўрсатиш имконини ҳам бермоқда.

Шаҳар ижроия комитети иш планини кўриб чиқилаётган вақтда доимий комиссияларнинг таклиф ва мулоҳазалари ҳисобга олинади, ҳамда Советда кўриб чиқиладиган масалаларни тайёрлашда уларнинг иштирок этиши кўзда тутилади. Шаҳар ижроия комитетининг иш плани тасдиқдан ўтгандан кейингина барча доимий комиссияларга тақдим этилади. Ўз ўрнида доимий комиссия планчиклаб ўрганиб чиқилади. Бунинг учун доимий комиссия аъзоларидан ташқари мутахассислар ҳам жалб этилади. Текшириш натижалари корхона ва ташкилотлар, бошқарма ва бўлим бошлиқлари иштирокида комиссия йиғилишида кўрилади.

Масалан, саноат бўйича доимий комиссия шаҳардаги йирик саноат корхоналарида халқ кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш аҳволи билан яқиндан танишиб чиқди. Бу текширишга йиғирма мутахассис жалб этилди. Текшириш натижаси комиссия йиғилишида муҳокама қилинди. «Узбекхиммаш» заводининг бош инженери Л. М. Смирнов, «Чирчиқсельмаш» заводининг директори В. Супиталиев, «Трансформатор» заводининг директори В. Д. Афонин ўртоқларнинг ҳисоботи эшитилди. Йиғилишда айниқса «Узбекхиммаш» заводи раҳбарларига кўпроқ эътирозлар билдирилди. Чунки, бу заводда хўжалик учун керакли бўлган пичоқ, вилка, ишлаб чиқариш сабабсиз тўхтатиб қўйилган эди.

Йиғилишда завод директори А. Караваевга рўзғор учун керакли буюмларини кўпроқ ишлаб чиқариш тавсия этилди. доимий комиссия бу қарорнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, масалани ижроия комитет муҳокамасига ҳам қўйди. Орадан икки ой вақт ўтгач, комиссия аъзолари ижроия комитетнинг ана шу масала юзасидан чиқарган қарорининг бажарилишини текшириб кўришди. Текширишда пичоқ ва вилка ишлаб чиқариш бирмунча яхши йўлга қўйилганлиги маълум бўлди. Завод беш йилликнинг дастлабки йилида аҳоли учун пландан ташқари 40 минг сўмликдан кўпроқ кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди.

Бундай мисолларни доимий комиссия иш практикасидан кўпгина келтириш мумкин. Дарҳақиқат, доимий комиссия ўз вазифасини тўғри тушуниб, муҳим ҳаётий масалаларни ҳал этишда ташаббус кўрсата билса, шаҳар ижроия комитетининг хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилиш ҳамда шаҳар халқ хўжалиги планларини ортиғи билан бажарилишини таъминлашга кўпроқ таъсир кўрсата олади.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, шаҳар Советининг доимий комиссиялари ўз ишларини бошқа комиссиялар иши билан боғлаб олиб боришади. Жумладан, савдо бўйича комиссия яқинда халқ маорифи ишлари бўйича комиссия аъзолари билан ҳамкорликда шаҳардаги 5, 6, 14, 17 ва 18-мактаб буфет ва ошхоналари ишини кўриндан ўтказишди. Овқатлар сифатсиз тайёрланаётганлиги, бунинг устига ассортиментларнинг камлиги каби қатор фактлар аниқланиб, доимий комиссияларнинг бирлашган йиғилишларида муҳокама қилинди. Муҳокамага умумий овқатланиш корхоналар, бўлим ва бошқармалар, шунингдек, меҳнаткашларнинг жамоат ташкилотлари билан яқиндан алоқа боғлаб, уларнинг ишларидан хабардор бўлиб туради. Бу тажриба бир мазмундаги масалани ёки қарорни бажарилиши юзасидан бир вақтнинг ўзида икки ташкилот шуғулланишига чек қўяди. Масалан, социал-таъминот ишлари бўйича доимий комиссия шаҳар социал таъминот бўлими билан ҳамкорликда конкрет тадбирлар ишлаб чиқди. Бу тадбирлар шаҳар Советининг ижроия комитети томонидан тасдиқланди. Улар ижросини назорат қилиб бориш комиссия зиммасига юклатилди. Депутатлардан иборат комиссиянинг яқиндан берган ёрдами ва таклифи билан Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган кишиларнинг 34 оиласига квартира ажратиб берилди. Шу йил охиригача Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва уларнинг оилаларининг уй-жойга бўлган талаблари тўла қондирилади.

Бундан ташқари доимий комиссиялар сайловчиларнинг наказларини бажарилиши устидан контролликни ташкил этиш соҳасида ҳам кўпгина ишларни олиб боришмоқда.

Шаҳар ижроия комитетининг доимий комиссиялар ишини координациялаш ва ташкил этиш борасидаги иш услуби, хўжаликка раҳбарлик қилиш ва аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш йўлида ўзининг ижобий натижасини кўрсатмоқда.

Қ. ТУРСУНОВ,
область ижроия комитети ташкилий бўлим мудирининг ўринбосари,

М. ШОДИЕВ,
область ижроия комитети инструктори.

Марат Хабиров «Узбексельмаш» заводида бир неча йилдан буён самарали меҳнат қилиб келмоқда. Шахсий беш йиллигини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган илғор ишчи шу кунларда смена нормасини 160—180 процентга етказмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

МУСОБАҚА — ҚУДРАТЛИ КУЧ

Корхонанинг бугунги куни, тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида эришган муваффақиятлари ҳақида тўхталиб ўтишдан олдин, унинг кечаги кунига назар ташлайлик.

«Компрессор» заводи ишчи-хизматчилари ўтган хўжалик йилини барча кўрсаткичлар бўйича шараф билан адо этдилар. Маҳсулот ишлаб чиқариш; уни реализация қилиш топшириқлари, шунингдек кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш планлари муддатидан олдин бажарилди.

Жумладан, товар ҳамда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғи 29 декабрда уддаланиб, планга қўшимча равишда халқ хўжалигига 177 минг сўмлик компрессор ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилди. Натижада корхонанинг моддий рағбатлантириш жамғармаси 213 минг сўмни ташкил этди. Бундан ташқари, маҳсулот таннархини арзонлатиш борасида амалга оширилган тадбирлар эвазига 15 минг сўмлик иқтисодий самара кўрилди. Бу маблағларнинг кўпчилик қисми ишлаб чиқариш илғорлари, новаторлар, социалистик мусобақа ғолибларига мукофот тариқасида тарқатилди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитетининг ички резерв-лардан тағин ҳам унумли фойдаланиш, тежамкорлик ҳақидаги Мурожаатига завод ишчи-хизматчилари амалий иш билан жавоб бердилар. Бир йил ичида 366 тонна шартли ёқилғи, 279 минг киловатт соат электр энергия ҳамда 12 тонна қора ва рангли металл тежаб қолинди.

Ишлаб чиқаришни оператив планлаштиришни такомиллаштириш, коллектив ўртасида илғорлар тажрибасининг оммалашишига эришиш, социалистик мусобақанинг турли усулларини қўллаш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни тағин ҳам яхшилаш, меҳнат унумдорлигини кескин ошишига, маҳсулотлар сифатининг яхшиланишига олиб келди.

Бундай юксак марраларни эгаллашда Геннадий Иванцов бошлиқ механика-йиғув цехи, Геннадий Булкин бошлиқ асбобсозлик цехи коллективлари баракали ҳисса қўшдилар. Ҳар иккала цехда меҳнат унумдорлиги 114,7 ҳамда 117 процентни ташкил этиши фикримизнинг далилидир.

Албатта, меҳнат унумдорлигининг бундай юқори бўлишига қатор омиллар сабабчи бўлди. Чунончи, мазкур коллективларда социалистик мусобақани кенг ёйиш, илғорлар иш тажрибасини оммалаштириш катта роль ўйнади. Фақат ўртоқ Булкин бошлиқ асбобсозлик цехининг ўзида салкам 90 фоиз ишчи «Коммунистик меҳнат зарбдоридир. Шунинг учун ҳам улар корхона кўчма Қизил байроғини ўз қўлларида доимий сақлашга эришдилар.

Камол Муҳитдинов бошлиқ 12-токарлик цехи коллективи ҳақида ҳам ана шундай илиқ гаплар айтса бўлади. Бу ерда тўққизинчи бешйиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажариш ташаббусига қўшилган кишилар сони 130 кишига етиб қолди.

Шуниси диққатга сазоворки, корхонада мусобақага фақат ишлаб чиқариш ҳамда ёрдамчи цех коллективлари жалб этилмаган. Рационализатор ва ихтирочилар ўртасида ҳам мусобақа ташкил этилган. Янгилик яратувчилар мусобақасида ўтган йили 3-цех рационализаторлари ғолиб чиқишди. Улар таклиф этган янгиликлардан олтитасининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши заводга 10 минг сўмдан ортиқ иқтисодий самара келтирди.

Маъмурият, партия, касаба союз ташкилоти эса ғолибларни муносиб тақдирлади. Цех аъзолари таъсис этилган биринчи пул мукофотини қўлга киритдилар.

Маълумки, завод маҳсулотига талаб йил сайин ортиб бораяпти. Улкан қурилишларнинг поёни йўқ пойтахтимизда. Шу боисдан ҳам қудратли компрессорнинг тағин ҳам кўпроқ ишлаб чиқаришни ҳаётнинг ўзи талаб этяпти. Буни чуқур ҳис этган корхона меҳнаткашлари мавжуд қувватлардан фойдаланишни янада яхшиламоқдалар, машина-механизмларнинг бир меёрда, тўхтовсиз ишлашига, ҳар бир иш минутидан оқилона фойдаланишга, ички резерваларни қидириб топиб ишлаб чиқаришга жорий этишга эришмоқдалар. «Мажбурият олдингми — бажар!», «Маҳсулот сифати — корхона кўзгуси» каби оташин сўзлар ҳар бир ишчининг шиорига айланган.

Компрессорчилар тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йили дастлабки ой планини ҳам шараф билан адо этдилар. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш топшириғи муддатидан олдин бажарилди. Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш топшириғи ҳам ўз вақтида уддаланди.

Дарвоқи, қўшимча қувватларнинг ишга туширилиши натижасида корхона йил сайин кенгайиб бормоқда, цехлар реконструкция қилиниб, замонавий дастгоҳлар билан таъминланмоқда. Компрессорчилар ўз резерв ва ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, зиммаларига янада улкан мажбурият олган ҳолда меҳнат қилишмоқда. Уларнинг мақсади маҳсулот реализация қилиш йиллик топширғини 28 декабрда адо этиш, СССР ташкил топган кунининг 50 йиллиги юбилейигача мўлжалдагидан 60 минг сўмлик ортиқча маҳсулот ишлаб чиқаришга, товар маҳсулоти таннархини 22 минг сўмга камайтиришга, янги техника ва илғор технологияни қўллаш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш усулларини жорий этиш натижасида унумдорликни мўлжалдагидан 1,5 процентга кўтаришга бел боғлашган.

Ҳеч шубҳа йўқки, аҳил коллектив бу шарафли вазифани ҳам беками-кўст уддасидан чиқади.

Ш. ШОАЛИМОВ.

ХЎЖАЛИК КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНМОҚДА

«Бўка» совхози меҳнаткашлари ўтган 1971 йили барча соҳалар бўйича топшириқларни муваффақиятли адо этиш учун зўр ғайрат ва шижоат кўрсатиб ишладилар. Уларнинг фидокорона меҳнатлари ўз самарасини кўрсатди.

Совхозда пахтачилик етакчи соҳа ҳисобланади. Бинобарин, беш йилликда пахтачиликни ривожлантириш хўжалик олдида турган асосий вазифалардан биридир. Совхоз маъмурияти, партия ва касаба союз комитетлари бу вазифани ҳосилдорликни ошириш асосида ҳал этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қ ў й и д и л а р, мавжуд резервларни, техника ресурсларини, ишчи кучларини шу мақсад сари йўналтирдилар.

Пахтакорлар 3020 гектар майдонга чигит экиб, меҳр билан парвариш қилдилар. Пландаги 21 ўрнига гектаридан 26 центнердан «оқ олтин» етиштирилди. Давлатга пландан ташқари 1800 тонна пахта сотилди. Етиштирилган ҳосилнинг 80 процента «зангори кема»лар бункеридан тўкилди. Бу соҳадаги план 131 процент бажарилди. Хўжалик пахтакорлари тажриба мақсадида 700 гектар майдонга чигитни кенг қаторлаб экдилар. Бу усулда ўстирилган ғўзалар барқ уриб ривожланди. Кузга келиб ҳосил нурини тўкди. Ҳар гектар майдондан 33 центнердан хирмон кўтарилди. Миришкор пахтакорлар кенг қаторлаб чигит экиб, парвариш қилишни биринчи йилиёқ мукаммал ўзлаштириб, унинг афзаллигини синовдан ўтказдилар.

Бу йил совхоз пахтакорлари пахтадан янада юқори ҳосил етиштиришга аҳд қилишган. Шу мақсадда 2500 гектар майдонга чигитни кенг қаторлаб экиш планлаштирилди. Ҳозир далалар чигитни ана шу усулда экиш учун тайёрлаб қўйилган.

Хўжаликда чорвачилик ҳам асосий соҳа ҳисобланади. Ўтган йили совхоз чорвадорлари кўзга кўринарли ишлар қилдилар. Қорамоллар зотдорлигини яхшилаш, туёғини кўпайтириш, маҳсулдорлигини оширишда қувончли натижаларга эришдилар. Совхоз фермаларида 830 бош йирик шохли қорамол бўлиб, шундан 320 бош соғин сигир, 650 бош чўчқа боқилади. Ўтган йили ҳар бир сигирдан пландаги 2 минг ўрнига 2200 килограммдан сут соғиб олинди. Бу кўрсаткич Бўка районида совхозлар бўйича энг юқори ҳисобланади. Шунингдек, давлатга гўшт сотиш плани 120,6, жун 140 процент адо этилди. Гарчи планда кўрсатилмаган бўлса ҳам давлатга 12 минг дона тухум сотилди. Пландаги 294 ўрнига 324 бош бузоқ олинди ва нобуд қилмай тўла сақлаб қолишга эришилди. Чўчқа туёғини кўпайтириш 200 процент бажарилди.

Бу йил совхоз фермаси ходимлари чорвачиликни сердаромад соҳага айлантиришга аҳд қилишган. Шу мақсадни кўзлаб намунали тайёргарлик кўрдилар. Янги типдаги молхона қурилиб ишга туширилди. Мустаҳкам ем-хашак базаси яратилди. 3300 тонна силос, 1000 тонна сенаж, 1300 тонна дағал хашак, 1800 тонна хашаки лавлаги ва бошқа хил озуқалар тайёрланди. Озуқанинг ҳаммаси планда белгиланганидан 2 минг тонна эшёддир. Чорва ходимларининг кўп миқдорда ем-хашак ҳозирлаб қўйганликлари туфайли бу йилги қишнинг оғир давомли келиши ҳам ташвиш туғдирмади.

Совхоз фермаларида ўз касбини сидқидилдан севган ходимлар кўплаб топилади. Я. Хлистова, М. Ўринбоева, П. Шишкина каби моҳир сут соғувчиларнинг номлари ҳурмат билан тилга олинади. Улар ўтган йили ўзларига бириктирилган ҳар бош сигирдан 2500—2700 килограммга етказиб сут соғиб, районда энг юқори кўрсаткичларга эришдилар. Шунингдек, А. И. Миняева, Т. Эркинбоев, И. Итолмасов каби ўнлаб чорвадорлар хўжаликнинг фахри ҳисобланишади.

Фермаларда иш асосан механизация асосида ташкил этилган. Сигирлар «Волга» аппарати билан соғилади. Озиқлантириш, суғориш, молхоналарни чиқиндилардан тозалаш механизмлар билан бажарилади. Ферма қошида ем-хашак цехи ташкил этилган. Барча озуқалар ана шу цех атрофида жойлаштирилган. Ем-хашаклар цехда майдаланиб, молларга берилади, нушхурд бўлмайди.

Чорва молларини парвариш қилишга алоҳида эътибор берилади. Улар кенг, ёруғ молхоналарда боқилади. Бинонинг санитария ҳолати ветеринария врачлари томонидан кузатиб борилади. Бино ҳавоси тез-тез янгилаб турилади. Моллар вақти-вақти билан ташқарига чиқарилиб, очиқ ҳавода айлантирилади.

Бўғоз сигирларни семиртиришга катта эътибор берилади. Улар алоҳида хоналарда ветеринария врачлари назорати остида тўйимли, сервитамин озуқалар билан боқилиб, парвариш қилинади. Бунда бузоқларнинг тетик ва соғлом туғилиши назарда тутилади. Сигир туғиш олдидан махсус хонага кўчирилади. Бузоқ туғилиши билан дарҳол онасига кўрсатмай бошқа хонага олинади, ветеринария врачининг назорати остида парвариш қилинади. Янги туғилган бузоқ ўн кунгача она сути билан, кейин махсус тайёрланган сунъий сут билан боқилади. Бузоқлар ёшига қараб группаларга ажратилиб шунга мувофиқ белгиланган озуқа рационлари бериб борилади.

Ферма ходимлари учун яхши шароит яратиб берилган. Сут соғувчилар ферма атрофидаги шинам уйларда яшашади. Уйлар кўчма газ билан таъминланган. Ҳамма хонадонларда радио, телевизорлар бор. Ферма қошида дам олиш хоналари бўлиб, бу ерда илғорларнинг фото-суратлари, диаграммалар, плакатлар қўйилган. Ферма ходимларининг иш натижалари ҳар ойда якунланиб, юқори кўрсаткичларга эришган ходимларга мукофотлар бериб борилади. Ўзаро социалистик мусобақада ғолиб чиққан сут соғувчилар, молбоқарлар учун биринчи, иккинчи ва учинчи даражали мукофотлар тайинланган. Яхши кўрсаткичларга эга бўлган чорвадорлар ҳар йили дам олиш уйларига, санаторийларга юборилади. Ўтган йилнинг ўзидаёқ 30 дан ортиқ чорва ходимларига санаторийларга путёвка берилди. Юздан зиёд киши дам олиш уйларида ҳордиқ чиқаришди.

Совхоз ёшларидан ташкил топган ҳаваскорлар тўғараги клубда тез-тез концерт кўрсатиб туради. Бундан ташқари, совхозда 200 ўринли пионер лагери бор. У икки сменада ишлайди. Бекобод шаҳридаги механизаторлар тайёрлаш техникумининг филиали шу совхозда ташкил этилган. Совхоз ишчиларининг болалари боғча-яслиларда яйраб ўсишмоқда.

Хўжалик чорвадорлари олдида бу йил янада улкан вазифалар турибди. Улар давлатга 580 тонна сут, 85 тонна гўшт, жун, тухум ва бошқа чорва маҳсулотларини сотиш юзасидан зиммаларига социалистик мажбурият олишган. Ана шу мажбуриятларини бажариш учун шу кеча-кундузда зўр ғайрат кўрсатиб ишлашяпти. Тўқкизинчи беш йилликнинг иккинчи йили дастлабки ойлари совхоз чорвадорларининг самарали меҳнат қилаётганлигидан далолат бермоқда. Ферма ходимлари давлатга сут сотиш юзасидан белгиланган ойлик топшириқларини ошиги билан бажаришмоқда.

Хўжалик чорвадорлари СССР ташкил топган куннинг 50 йиллигини барча совет кишилари қатори меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун астойдил қурашмоқдалар.

М. ИБРОҲИМОВ.
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ районидаги «Политотдел» колхозининг Кавар дам участкасида қир-адирларни ўзлаштириш, экинзорларга айлантириш ишлари қизғин олиб борилмоқда. Суратда: бу ишда актив қатнашаётган тракторчи ва бульдозеристлардан бир группаси.
А. Ахатов фотоси.

ДОН МЎЛ БЎЛАДИ

Акмал Икромов номли колхоз Ўрта Чирчиқ районидаги йирик ғаллакор хўжаликлардан биридир.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг «Республиканинг колхоз ва совхозларида дон етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида»ги қарори колхоз меҳнаткашларини янги ютуқларга руҳлантириб юборди.

— Биз шу қарор асосида бу йил 989 гектар ерда буғдой ва арпа етиштирамиз,— дейди колхозимнг бош агрономи Холис Баратов.— Ўтган йилги тажрибалар, мутахассислар маслаҳати шуни кўрсатадики, кузда экилган буғдой сертуп ва сербошоқ бўлади. Биз шу йилгача кузда экилган майдонларнинг ўт босишидан қўрқиб, экин майдонларининг кўпчилик қисмига баҳори буғдой экардик. Натижада ҳосилдорлик тўрт центнердан ошмас эди. Кузда экилган майдонлардан эса 9—10 центнер ҳосил кўтарар эдик. Шуни назарда тутиб, бу йил 650 гектар ерга кузги буғдой сепилди. Апрель ойининг икки ўн кунлигида бороналанади, зараркунандаларга қарши ҳар хил гербицид ва химикатлардан фойдаланилади. Хуллас бу йил кузги буғдой экилган майдонларнинг ҳар гектаридан тўққиз центнердан ҳосил кўтариш ҳаракатидамиз.

Партия ва ҳукумат қарорида республика колхоз ва совхозларида дуккакли экинлар экиш камайиб кетаётганлиги қайд этилади. Бунга жавобан колхоз аъзолари 10 гектар ерга мош экишмоқчи.

Хўжалик 1972 йили 807 тонна ғалла етиштиради. Бу колхоз меҳнаткашларининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллик тўйига тўёнаси бўлади.

Ш. ИУЛДОШЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» материаллари изидан

«ЯНА ЧОРВАЧИЛИК КОМПЛЕКСЛАРИ ҚУРИЛИШИ ҲАҚИДА

Тўқкизинчи беш йиллик план бўйича республикамиз территориясида қурилаётган ва қуриладиган 26 та чорвачилик комплексининг деярлик барчаси области мизда барпо этилади. Пойтахтимиз атрофидаги районларда тўртта бўрдоқига боқиш, бешта сут етиштириш комплекси ва йирик шохли қорамолдар боқиш учун қуриладиган комплекс лойиҳа-смета ҳужжатлари ўтган йили тайёр бўлиб, қурилиш ишларини бошлаш, уларни уч йил ичида ишга тушириш планлаштирилган эди.

Кейин бу қурилиш ишлари бошланган даврдаги аҳвол ташвиш туғдираётганлиги ҳақида газетамизнинг 1971 йил 26 июнь сонида танқидий мақола босилиб чиқди. Танқидий мақола юзасидан редакциямизга Ўзбекистон ССР «Госстрой»и, республика қишлоқ қурилиши министрлиги ва совхозлар министрлиги раҳбарлари юборган жавобларда комплекслар қурилишни тезлаштиришга қаратилган умумий ваъдалар берилган нарса ўтилмаган.

Редакция бу жавоблардан қаноат ҳосил қилмагач, чорвачилик комплекслари қурилишида ишлар қандай кетаётганлиги билан қизиқди. Газетамизнинг шу йил 4 январь сонида «Яна чорвачилик комплекслари қурилиши ҳақида» деган танқидий мақола босилди. Масала яна лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотлари диққатига ҳавола қилди. Бу мақолада комплекслар қурилиши учун жой ажратиш ҳаддан ташқари чўзилаётганлиги кўрсатилиб, Сергели гўшт фабрикасини қуриш бўйича дастлабки ишлар амалга оширилаётганлиги, Ўрта Чирчиқ районидаги 7-совхозда бунёд этиладиган иккинчи комплексда ишлар тайёргарлик давридаёқ тўхтаб қолганлиги, бунинг устига қилинаётган айрим ишларда бракка йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Қурилишни бошлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида тайёрлаб берилмаётганлиги ва шунга ўхшаш камчиликлар конкрет фактлар билан танқид қилинди. Яқинда редакция бу мақолага республика совхозлар министрлиги ,қишлоқ қурилиши министрлиги ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қурилиш ишлари бўйича Давлат комитетидан жавоб хатлари олди.

Ўзбекистон ССР совхозлар министрининг ўринбосари В. ШЕХОВЦЕВ юборган жавобда айтилишича, министрликда газетада босилиб чиққан танқидий мақола атрофлича ўрганилиб, муҳокама қилинган, чорвачилик комплекслари қурилишидаги ҳақиқий аҳволни мақолада тўғри ёритилганлиги қайд қилинган. Унда келтирилган камчиликларни тугатиш тадбирлари белгиланган. Чорвачилик комплекслари қурилиши учун жой ажратиб бериш ишлари амалга оширилган ҳамда қурилишларни Иттифоқ ҳукумати ва республика ҳукумати белгилаб берган муддатларда тугаллаб, фойдаланишга топшириш учун тадбирлар кўрилган.

Ўтган йили Сергели совхозида чорвачилик комплекслари қурилиши бошланган, 7-совхозда 10 минг бош йирик шохли қорамолга мўлжалланган чорвачилик комплекси қурилиши давом эттирилмоқда. Бундан ташқари бу йил областимиздаги Болков номли 1-совхозда, «Партия XXIV съезди», «Янгиобод», Свердлов номли совхозларда 4 та сут етиштирадиган йирик чорвачилик комплекслари қурилиши бошланади.

Жавобда Сергелидаги 72 минг бош чўчқага мўлжаллаб қурилаётган чорвачилик комплексида иккита тўсиннинг синиб кетиши лойиҳалашда йўл қўйилган камчилик оқибати эканлиги айтилиб, бунинг айбдори «Ўзгипросельстрой» лойиҳалаш институти 2-устахонасининг бошлиғи И. Д. Таюрский совхозлар министрлиги бюруғи билан вазифасидан бўшатилганлиги кўрсатилади. Бу масала «Ўзгипросельстрой» лойиҳалаш институти ўртасида ҳам муҳокама қилиниб, бундан кейин брак лойиҳа-смета ҳужжатлари чиқаришга йўл қўймаслик тадбирлари белгиланган.

Шунингдек, совхозлар министрлигида чорвачилик комплекслари қурилишини тезлаштириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлашга қаратилган катор тадбирлар белгиланган.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министрлигидан олинган жавобда «Яна чорвачилик комплекслари қурилиши ҳақида»ги танқидий мақола министрликда муҳокама қилинганлигини **министр ўринбосари В. АРБУЗОВ** хабар қилади. Унда айтилишича, газетадаги мақола тўғри деб топилган.

Совхозлар министрлиги билан қишлоқ қурилиши министрлигининг биргаликда чиқарган бюруғи билан «Ташоблсельстрой» 23-қурилиш трестига «Главскотпром» ва унинг қурилишни олиб борадиган ташкилотлари билан ҳамкорликда қурилиш-монтаж ишлари графигини тузиб чиқиш ва қурилаётган комплексларни тўла қувват билан шу йилнинг охиригача ишга туширишга тадбирларини белгилаш вазифаси юклатилган. Шунингдек, 23-қурилиш бошқармаси составида 7-совхоздаги йирик шохли қорамоллар чорвачилик комплексини чет элдан келтирилган жиҳозлар билан қуриш учун 21-механизациялашган кўчма колонна ташкил этилган.

Сергелидаги чорвачилик комплекслари қурилишини олиб бораётган «Ташоблсельстрой» трести бошқармасида материал-техника ресурслари ва ишчиларни марказлаштириш чоралари ҳам белгиланган. Чорвачилик комплекслари қурилиши ишлари билан шуғулланаётган ташкилотлар ҳамкорликда ишлашлари, Ўзбекистон шароитига мос тушадиган ягона лойиҳада қурилиш ишлари олиб бориш ҳақидаги газетанинг ҳаққоний фикрига жиддий эътибор бериш кераклиги айтиб ўтилган.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қурилиш ишлари бўйича Давлат комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Н. АББОСХОНОВ юборган жавобда газета лойиҳалашдаги аҳволни тўғри таҳлил қилганлиги айтилади.

Қурилиш ишлари бўйича Давлат комитети республика совхозлар министрлигига, қишлоқ хўжалиги министрлигига лойиҳалаш ишлари билан шуғулланаётган институтлар билан биргаликда бу йил ва келгуси йил амалга ошириладиган тадбирларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини энг қисқа муддатларда тайёрлаш учун лойиҳалаш институтлари билан шартнома тузиш тезроқ тугаллашни таклиф қилган.

Дунё ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ФРАНЦИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ БАЁНОТИ

ПАРИЖ, 15. март. (ТАСС). Комунистик ёшлар ҳаракати ташкилотининг ташаббуси билан ёшларнинг илм олиш, профессионал таълим ва меҳнат қилиш ҳуқуқини қўллаб-қувватлаш юзасидан 18—19 мартда оммавий намойиш ва йиғилишлар ўтказиш мўлжалланди. Франция Коммунистик партияси Сиёсий Бюросининг шу муносабат билан бугун эълон қилинган баёнотида бундай дейилади: француз ёшларининг тақдири Франция ишчилар синфи ва халқининг тақдири билан чамбарчас боғланган.

Франция Коммунистик партияси Сиёсий Бюроси француз ёшларининг талайгина қисми меҳнаткашларнинг социал тараққиёт, демократия ва тинчлик йўлидаги умумий курашида қатнашмоқда деб таъкидлайди.

Француз коммунистлари, дейилади баёнотда, ёшларнинг намойишларини қўллаб-қувватлайдилар ва бу намойишларнинг муваффақиятли ўтишига ёрдам берадилар.



Жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг шаҳарларида ҳаммага маълум бўлган халқаро Лейпциг ярмаркаси эмблемасини англатувчи «М» ҳарфли плакатлар пайдо бўла бошлади. Германия Демократик Республикасининг бу шаҳрига шу кунларда кўплаб чет эллик меҳмонлар келмоқда. Лейпцигда навбатдаги баҳорги ярмарка га катта тараддуд кўрилянти. Суратда: ярмарка павильонларининг бирида.
АДН—ТАСС фотоси.

МАТБУОТДА ТАНҚИД ҚИЛИНМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Америка матбуоти АҚШ ҳукуматининг Греция ҳарбий режимини ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатини қаттиқ танқид қилмоқда. Президент Р. Никсоннинг Грециягa 70 миллион долларлик қурол-яроғ сотиш ҳақида қабул қилган қарори, шунингдек Грециянинг Пирей портини АҚШнинг олтинчи флоти базасига айлантириш тўғрисида тузилган битим Афинадаги ҳарбий диктатурани қўллаб-қувватлашдан бошқа бир нарса эмас, деб ёзади «Нью-Йорк таймс» газетаси.

«Нью-Йорк таймс» газетаси АҚШнинг Грециядаги ҳарбий кучлари кўпайиб бораётганлигига тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлайди: Пирей порти ҳарбий денгиз базасига айлантирилганидан кейин Американинг Грециядаги ҳарбий хизматчилари сони 15 минг қишига кўпайтирилади. Вакиллар палатаси ташқи ишлар кичик комиссиясининг раиси Б. Розенталь яқинда бундай деди: «Бу ҳол Греция режими билан ҳамкорликнинг сиёсий-стратегик ва ҳарбий оқибатларини кучайтиради».

Нью-Йорк таймс» газетаси қуйидагиларни ёзади: «республикачилар ҳукумати ҳокимият тепасига келганидан кейин кўп вақт ўтмай Грециягa қурол-яроғ етказиб беришни таъқиқлаш бўшаштириб юборилди. Биз ўша пайтдан буён Грециягa ҳар йили 75—100 миллион долларлик қурол-аслаҳа юбордик ёки сотдик», деб таъкидлайди газета.

«Грециядаги мустабид режим билан ана шундай ҳамкорлик, — деб огоҳлантиради «Нью-Йорк таймс»» гаетаси,— АҚШ нинг сиёсий обрўсини ғоят тушириб юборади».

ЖАҲОН ВА РУС ТИЛИ

Бизнинг кунларимизда жуда кўп кишилар фақат социализм мамлакатлари ҳамда ёш ривожланаётган давлатлардагина эмас, балки Франция, Япония, АҚШ, ГФРда ҳам жуда кўп кишилар рус тилини ўрганишяпти.

Расмий статистика дунёда чиқарилаётган китобларнинг кўпчилиги рус тилида эканлигини маълум қилади. ЮНЕСКО берган маълумотга кўра. техникага бағишланган илмий нашрларнинг ярмиси рус тилида чоп қилинади. Пушкин, Толстой, Ленин тилини ўрганиш 58 мамлакат университетларининг программасига киритилган. Масалан, 1957 йилда АҚШнинг 175 олий ўқув юртида таҳсил кўраётган студентлар рус тилида ўқиш ва ёзишни ўрганган бўлсалар, ўн йилдан сўнг бу тилни АҚШнинг 600 институтида ўқитилган.

Телетайп ЛЕНТАСИДАН

ПРАГА

Прагада очилган халқаро илмий адабиёт виставкаси «Академия—72» деб аталади. Виставка экспонатлари орасида жаҳондаги 15 мамлакат нашриётлари фаннинг турли соҳаларига доир босиб чиқарилган икки мингдан ортиқ китоб бор. Совет Иттифоқи беш юздан ортиқ илмий асарни тақдим этди. Виставка халқаро китоб йили доирасида ташкил этилди.

ВЕНА

24 мамлакатнинг савдо фирмалари Венада очилган традицион ярмаркада қатнашмоқда. Виставкага социалистик мамлакатлар—Венгрия, Германия, Демократик Республикаси, Польша, Совет Иттифоқи, Чехословакия социалистик республикаси ва Югославиянинг ташқи савдо ташкилотлари ўз экспонатларини тақдим этди.

ЖАКАРТА

Индонезияда ишсизлар сони ошиб бормоқда. Индонезия пойтахтида ва ғарбий ҳамда шарқий Ява вилоятларида бир ярим миллиондан ортиқ ишсиз рўйхатга олинди.

ТОКИО

Япония Коммунистик партияси Испанияда озодлик ва демократия учун курашувчиларга қарши репрессиялар кучайтирилганлигини қоралади. Япония Коммунистик партияси Марказий Комитети Испания ҳукуматига мактуб юборди. Марказий Комитет бу мактубида Испания меҳнаткашларини сиёсий важлар билан таъқиб этиш дарҳол тўхтатилсин, сиёсий маҳбуслар озод қилинсин ва мамлакатда демократия тиклансин, деб Япония коммунистлари номидан талаб этди.

ЛОНДОН

Англия ҳукумати разведка хизмати учун ажратиладиган маблағларни кўпайтирмоқда. Разведка янги молия йилида 13 миллион фунт стерлинг, яъни ўтган йилдагига нисбатан 1 миллион 250 минг фунт стерлинг кўпроқ маблағ олади.

Бу — разведка хизмати учун ажратилган маблағларнинг бир қисми, холос. Бюджетнинг бошқа моддаларида ҳам кўп маблағ ажратиш кўзда тутилган.

ИРҚЧИЛИК АМАЛДА

НЬЮ-ЙОРК, 15 март. ТАСС мухбири В. Байдашин хабар беради:

Сан-Хоседа (Калифорния штати) ўтказилаётган судда Анжела Дэвиснинг адвокатлари прокурор Харрисни, «ирқчилик қилаётир» деб айбладилар. Жюри ҳайъатига кўрсатилган номзодлар судга ёқмаса, уларни суд ҳеч бир сабаб кўрсатмай қабул қилмасликка ҳаққи бор, деб Америка қонунларида кўзда тутилган ҳуқуқдан фойдаланган прокурор Харрис негр аҳолисининг бирдан-бир вакили бўлган Жейн Хэмфиллни номзодлар рўйхатидан чиқартириб юборди. Анжеланинг ҳимоячилари ва бу америкалик коммунист аёлни қамоқдан бўшатириш ҳаракати миллий бирлашган комитетининг раҳбарлиги қораловчиларга маъқул бўлган кишиларни жюри аъзолигига сайлаш борасида очиқдан-очиқ қилинаётган бундай камситишга қарши кескин норозилик билдирдилар. Анжеланинг адвокати Говар Мур бундай деди: «бирор номзодни жюри ҳайъатига ўтказмаслик учун қораловчилар турли сабабларни келтиришлари мумкин, лекин бу сафар уларнинг бирдан-бир сабаби ирқчиликнинг худди ўзи бўлди».

Жейн Хэмфилл жюри аъзолигига кўрсатилган 150 нафар номзодлар рўйхатига киритилганидан бери прокурор Харрис уни гўё «Калифорния штатининг қонунини бузган», деб айблаб, унга қарши туҳмат ва қўрқитиш кампаниясини давом эттириб келмоқда. Хэмфилл прокурорнинг бу асоссиз даъволарини рад қилганидан кейин прокурор уни номзодлар рўйхатидан сабабсиз чиқартириб юбориш ҳуқуқидан фойдаланди.

Жюри ҳайъатига номзодлар танлаш уч ҳафтадан бери давом этиб келмоқда. Шу вақт ичида суд маъмурлари ва маҳаллий реакция Дэвис «иши» деб номланган мана шу иш атрофида васваса кампаниясини авж олдириб юбордилар. Прокурор Харрис бу кампанияни кучайтиришда асосий ташаббускорлик ролини ўйнамоқда. Тараққийпарвар «Пиплз Уорлд» газетасининг ёзишига қараганда, Харрис номзодлар рўйхатидан Жейн Хэмфиллни чиқартириб юборганидан кейин Санта-Кларадаги негрлар билан тузук алоқа қилиб турган бирдан-бир оқ танли киши Рут Чарльтонни ҳам жюри ҳайъатидан чиқартириб юбориш учун қураш бошлаб юборди.

Ирқчи Харрисниг бу ҳаракатларини судья Арнасон қўллаб-қувватламоқда. Чунончи, у Дэвис ҳимоячисининг Мессер деган бир шахсни жюри ҳайъати номзодлари рўйхатидан чиқариб юбориш тўғрисидаги талабини рад этди. Ваҳоланки Мессер, мен коммунистларга қарши бўлганлигим учун Анжела «иши»ни ҳал этишда одиллик қилолмайман, деб дангал айтган эди.

Ҳукумат маъмурлари америкалик коммунист Анжела Дэвисни таъқиб қилаётганлигига норозилик билдириш ҳаракати АҚШ жамоатчилиги орасида тобора кучаймоқда. Калифорнияда Анжеладан ўч олиш тараддуди кўрилаётганлигига қарши Нью-Хэйвенда (Коннектикут штати) оммавий намойиш ўтказилди. Намойишчилар «Биз Анжела Дэвисни дарҳол қамоқдан бўшаттиришни талаб қиламиз», деган сўзлар ёзилган плакатларни кўтариб шаҳарнинг марказий кўчаларидан ўтдилар ва федерал суд биносини қуршаб турдилар.

Негр ташкилотларининг Гэри шаҳрида (Индиана штати) ўтказилган биринчи миллий сиёсий съездида қатнашган беш минг нафарга яқин делегатлар Анжела Дэвисни ва АҚШдаги барча сиёсий маҳбусларни дарҳол қамоқдан бўшатишни талаб этиб резолюция қабул қилдилар.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

СССР ташкил топган кунининг 50 йиллиги шарафига «Изобразительное искусство» нашриёти кўплаб плакатлар чиқаришни планлаштирган. Сиз суратда кўриб турган В. Викторовнинг плакати ана шуларнинг биридир.

ТАСС фотохроникаси.

*

МАГАДАН. Ташқарида бўрон, қаттиқ совуқ, ичкарида эса баҳор. «Пригородний» совхози комбинатида бўлсангиз, пиёз, помидор, бодринг ва бошқа ўсимликларни барқ уриб ривожланаётганини кўрасиз. Совхоз бу йил 235 тонна сабзавот етиштиришга аҳд қилди. Суратда: теплица ишчиси Р. Исҳоқова.

С. БЕЛЯВОИ фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

ОБОД ҚИШЛОҚ

Кейинги йилларда Калинин районидаги «Ўзбекистон» парандачилик фабрикаси қиёфаси ўзгариб кетди. Фабрикага яқинлашган сари катта қурилиш ишлари кетаётганининг гувоҳи бўласиз. Бу ерда маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари қад кўтармоқда. Икки қаватли маъмурий бино қурилиб, атрофи кўкаламзорлаштирилди. 960 ўринли мактаб биносида қишлоқ болалари таълим олмоқда.

Кейинги уч йил ичида буерда 4 та кўпқаватли турар жой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги магазин биноси қурилиши ҳам ниҳоясига етиб қолди. Яқинда дорихона, медицина пунктлари ҳам ишга туширилади. Пойтахт билан фабрика ўртасида мунтазам равишда пассажир автобуси қатнови яхши йўлга қўйилди.

ЁЗУВЧИ—ЎҚУВЧИЛАР МЕҲМОНИ

Яқинда пойтахтимиздаги. Меҳнат Қизил Байроқ ордени ли 24-ўрта мактабда болаларнинг севимли ёзувчиси Шукур Саъдулланинг 60 ёшга тўлиши муносабати билан тантанали кеча ўтказилди.

Кечага мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Гофиржон Азимов ҳамда мактаб кутубхонасининг мудираси Шоира Носирова бошлиқ мактаб ўқувчилари ҳозирлик кўрдилар. Ёзувчининг ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир материаллар ўрганиб чиқилди. Кутубхона қошида китоблар савдоси уюштирилди. Мактабнинг «Ленинчи» деворий газетаси Ш. Садулланинг ижодига бағишлаб чиқарилди.

Кечада сўзга чиққан Ш. Саъдулла ўз ижоди ҳақида ўқувчиларга сўзлаб берди ҳамда мактаб кутубхонасига ўзининг бир неча китобларини совға этди.

Ҳ. ИУЛДОШЕВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

10.50 — **Кўрсатувлар программаси**, 10.55 — **Янгиликлар**, 11.05 — **«Вернер Хольтнинг саргузаштлари»** (бадиий фильмнинг 2-серияси ўзбек тилида).

12.30 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — **Кўрсатувлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — **«Пойтахт музика ҳаётидаги янгиликлари»**, 19.00 — **ФУТБОЛ. СССР кубоги учун. «ДИНАМО»** (Москва) — **ЦСКА.** Танаффус вақтида **«Ахборот»** информацион программаси.

Ўзбек тилида: 20.45 — **«Баҳор чорлайди»** (Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув), 21.05 — **Ўзбекистон ССР Ички ишлар министри Х. Х. ЯҲЕЕВ** шарҳлайди (рус тилида), 21.45 — **«Ахборот»** информацион программаси.

22.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.15 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

22.00 — СССР ташкил топган кунининг 50 йиллиги олдидан **Қардошлик маршрутлари бўйлаб»** (ўзбек тилида).

22.30 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

20.00 — **Фильм-балет** (рус тилида), 20.45 — **«Тўлқинда—02»** (ўзбек тилида), 21.15 — **«Кўшиқ чорлайди»** (бадиий фильм ўзбек тилида).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17/III да **Дон Жуан**, 18/III да **Травиата.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 17/III да **Табассум ўғрилари**, 18/III да **Шоҳ Эдип.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА— 17/III да **Гули снёҳ**, 18/III да **Хотинимнинг эри**, 19/III да **Ҳалима.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **АЛЬБИНА ЗОТОВА** раҳбарлигидаги **«АФСОНАВИЙ ЎЛКА»** иллюзион аттракционининг **гастроллари** (кеч соат 7 яримда; шанба кунлари: кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда; якшанба кунлари: кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда).

Кино

Ҳалоскорлик — САНЪАТ САРОЙИ, **«ЧАЙКА»** (кундуз ва кечкурун).

Ҳаводаги саргузаштлар — **«ЎЗБЕКИСТОН»** (кундуз ва кечкурун).

Чемпион — **«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ»** (кундуз ва кечкурун).

Садоқат (2 серия) — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечкурун).

Катта севги — **«СПУТНИК», «МОСКВА»** (кундуз ва кечкурун).

Парм ибодатхонаси — **«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА»** (кундуз ва кечкурун).

Она муҳаббати — **«КУКЧА»** (кундуз ва кечкурун).

Рустам ҳақида достон — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечкурун).

28 март кундуз соат 2 да Меҳнат Қизил Байроқ ордени ли Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институти Советининг кенгаши (101-аудитория)да техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Б. Ф. Қамбаров: «Катта нишобли ва қийин рельефлар шароитларида тупроқни суғоришда емирилишидан ҳимоялаш ҳисоби билан эгатлаб суғориш техникасини такомиллаштирилиши (Ўзбекистон ССРнинг тоғ этаги зонасида)» деган темада;

В. П. Логачев: «0,9 т. классидаги тракторлардан пахтачилиқда эффектив фойдаланиш имкониятларини текшириш» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Қориниёзов кўчаси, 39-уй)да танишиш мумкин.

29 март кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника ва математика фанлари бўлимларининг механика-математика мутахассислиги бўйича бирлашган илмий Совет кенгаши (Астрономия кўчаси, 33-уй)да физика-математика фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Д. Д. Каримова: «Иқтисодий масалаларни АЛГЭК тилида программалаш учун трансляторлар» деган темада;

Б. Д. Дзгоев: «Коэффициентлари аралаш нормали умумий фазолардан олинган чизиқли эллиптик тенгламалар учун Дирихле масаласи ҳақида» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй)да танишиш мумкин.

Спорт

ЎН БИРИНЧИ МАРТА ЧЕМПИОН

Москванинг «Динамо» командаси коптоки хоккей бўйича бу йилги СССР биринчилиги ғолиби бўлди. Динамочилар Архангельскда «Водник» командаси билан ўтказилган ўйинни 4:4 ҳисобида дуранг қилиб тугатдилар. «Динамо» коллективи бу билан ўн биринчи марта чемпионлик олтин медаллари билан тақдирланади.

КУБОК МУСОБАҚАЛАРИ

Ленинграднинг «Зенит» командаси футбол бўйича СССР кубогининг чорак финалига чиқди. Зенитчилар ҳамшаҳарлари «Динамо» коллективини 2:0 ҳисобида мағлуб қилдилар. Энди «Зенит» ярим финалга чиқиш учун «Торпедо» (Москва) — «Днепр» учрашуви ғолиби билан беллашади.

«Локомотив» билан «Қайрат» ўртасидаги биринчи ўйин 1:1 ҳисобида тугади. Энди рақиблар чорак финалга чиқиш учун қайтадан учрашишади.

ШАШКАЧИЛАР КУЧ СИНАШМОҚДА

Пойтахтимизнинг Марказий шахмат-шашка клубида аёллар ўртасида шашка бўйича Ўзбекистон XV чемпионати бошланди. Мусобақани фарғоналикмастерликка номзод, республика чемпиони З. Сафина муваффақиятли бошлади. У уч ғалаба ва бир дуранг билан олдинга ўтиб олди. Тошкентлик собиқ чемпион П. Гольдшмидт ҳам учта ғалабага эришди. Агар у қолдирилган тўртинчи ўйинда ҳам ютуққа эришса, чемпиондан ўзиб кетиши мумкин.

Турнирнинг уч ғолиби мамлакат биринчилигининг ярим финалида қатнашиш ҳуқуқини олади. Бу мусобақа август ойида Олмалиқ шаҳрида ўтказилмоқчи.

Рус шашкаси бўйича эркаклар ўртасида Тошкент чемпионатида беш тур ўйналди. Мастерликка номзод И. Мартель тўрт очко тўплаб, турнир жадвалини бошқармоқда. Бу мусобақаларнинг тўрт ғолиби Ўзбекистон чемпиони мастер Ш. Ёқубов билан биргаликда республика биринчилигида иштирок этади. Ўзбекистоннинг янги чемпионини аниқлаш учун апрель ойида турнир ўтказилади.

УЛКАН КИНОЭПОПЕЯ

Шу кунларда пойтахтимиз экранларида «Халоскорлик» киноэпопеясининг тўртинчи ва бешинчи фильмлари — «Берлин учун жанг» ва «Сўнгги ҳужум» намойиш этилмоқда. Бундан илгари мазкур киноэпопеянинг дастлабки «Оловли ёй», «Ериб ўтиш» ва «Асосий зарба йўналиши» фильмларини зўр қизиқиш ва ҳаяжон билан тамоша қилган эдик.

«Халоскорлик» киноэпопеяси совет халқининг фашизм устидан эришган оламшумул тарихий ғалабасини, унинг мислсиз жасорати, матонати ва букилмас иродасини, совет ижтимоий ва давлат тузумининг тош-метиндек мустаҳкамлигини, Ленин партиясининг даҳоси ва заковатини тасвирлашга бағишланган. Биз бундан илгари ҳам совет кишиларининг Улуғ Ватан урушида кўрсатган қаҳрамонликларини, уларнинг ажойиб фазилатларини инъикос этувчи фильмларни кўп кўрганмиз. Лекин бу асарларда Улуғ Ватан урушининг ҳақиқий миқёси ўз ифодасини топмасди. Тамошабин бутун-бутун армияларни ҳаракатга келтирган фармонларнинг қандай вужудга келганлигини, совет ҳарбий тафаккурининг ривожланиши процессини мушоҳида этолмасди. Бир қатор фильмларда эса тамошабин диққат-эътибори асосан урушнинг биринчи йилларида дуч келган қийинчиликлар ва машаққатларга жалб этилиб, баъзан бутун халқнинг қаҳрамонлиги, жанговар руҳи, ватанпарварлик кўтаринкилиги тасвир доирасидан четда қолиб кетарди.

«Халоскорлик» авторларининг мақсади миллион-миллион томошабинларга тарихда мисли кўрилмаган бу оғир жангда қўлга киритилган ғалабанинг совет халқи, социалистик тузум ғалабаси эканлигини бузмасдан, бўямасдан, ҳақконий равишда тасвирлаб кўрсатишдан иборат. Биз бу ажойиб улкан киноэпопеяни томоша қилар эканмиз, беихтиёр улуғ Ленининнинг, ўз халқ ҳокимиятини ҳимоя қилаётган, ўзининг ҳаққоний ишини ўз келажагини ҳимоя қилаётган халқни асло енгиб бўлмайди, деган сўзларини эслаймиз.

«Халоскорлик» киноэпопеясининг яна бир бошқа аҳамияти— халқаро сиёсий аҳамияти ҳам бор. Чунки ҳозир жаҳон миқёсида кескин, муросасиз идеологик кураш давом этмоқда. Фашизм ғоялари ҳали ҳам таг-томири билан кўпориб ташланган эмас. Никсонларнинг бўйруғи билан олиб борилаётган босқинчилик уруш натижасида Вьетнам, Лаос, Камбоджа ватанпарварларининг қони тўқилмоқда.

Охирги йилларда буржуазия кинематографлари «Энг узун кун», «Паттон», «Арденнада жанг» каби бирқанча кўпсерияли фильмлар яратдилар. Бу фильмларда тарихий воқеалар ғоятда сурбетлик билан бузиб тасвирлаган. Бу сохта асарларда фашистик Германияни тормор этишда СССРнинг ҳал қилувчи роли йўққа чиқарилган ,совет халқининг миллион-миллион ўғил ва қизлари ҳаёти эвазига эришилган ғалабалар ҳақида лом-мим дейилмайди.

Бундай ёлғон—яшиқ гапларга ким ҳам ишонарди, дерсиз? Афсуски капиталистик мамлакатларда бу каби қабиҳ сафсатага лаққа тушадиганлар ҳо эмас. Ўйлаб кўринг: урушнинг тугаганига чорак асрдан ошиб кетди. Бу даврда инсониятнинг янги насли вояга етди. Буржуазия кинематографистларининг сохтакорликлари асосан ана шу наслга мўлжалланган, империалистлар ўзларининг босқинчилик снёсатини амалга оширишда ана шу авлодга умид боғлайдилар.

Шундай қилиб, тарихни сохталаштирувчиларга қарама қарши ўлароқ «Халоскорлик» киноэпопеяси яратилди. Жанр жиҳатидан, сюжетининг миқёси жиҳатидан бу асаринг совет кинематографиясида тенги йўқ деса бўлади. У совет халқининг жасорати тўғрисидаги ҳақиқатни жаҳон бўйлаб таратади. Бу фильм ҳозирги пайтда юздан ортиқ мамлакат экранларида намойиш этилмоқда.

Албатта, «Халоскорлик» фақат «снёсий фильм» сифатида, буржуазия идеологларини фош этиш учунгина яратилган эмас. Бу киноэпопея шунинг учун ҳам яратилганки, уруш сабоқларини, Ватан учун қурбон бўлганларни унутиб бўлмайди. Ахир, ўз отаси ё онаси, акаси ё синглисидан машъум жанг оқибатида абадий жудо бўлганларнинг қалб жароҳати ҳали-ҳали битган эмас. Фильмнинг сўнгги кадрларида улуғ Петровеннинг бешинчи синфонияси садолари остида бутун экранни қамраб рақамлар пайдо бўлади. Рақамлар иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган французлар, италиялар, инглизлар, американликлар, чехлар ва словаклар, югослав ва поляклар, немислар сонидир. Ниҳоят, Кремль деворлари Номаълум солдат қабри лавҳасига битилган: «Номинг маълум эмас, жасоратинг абадийдир» сўзлари кўрсатилгач, экранда «20.000.000 совет кишиси қурбон бўлди» деган сўзларни ўқиймиз.

«Халоскорлик» Улуғ Ватан урушининг энг муҳим даврларини қамраб олади. Бунда тасвир этилган қаҳрамонлар, воқеалар шу қадар кўпки, уларни бир-икки оғиз сўз билан эслатиб ўтишнинг ўзи учун анча вақт керак.

Биринчи фильм — «Ўтли ёй»да 1943 йил баҳорида, Сталинград жангидан сўнгги воқеалар кўрсатилган. Бу маҳал немис генерал штабининг диққат эътибори Курскка қаратилди, совет кўшинларини шимол ҳамда жанубдан қуршаб, тормор қилиш ниятида «Цитадель» плани ишлаб чиқилади. «Совет қўшинлари фақат қишда ғалабага эришаоладилар, Курск остоналаридаги немислар ғалабаси жаҳон аҳли учун машъал бўлмоғи лозим», дея жар солади Гитлер.

Совет Олий Бош қўмондонлиги «Цитадель» планини барбод беришга, душманни аввал мудофаа жангларида ҳолсизлантириб, сўнгра тўхтовсиз ҳужумга ўтиш учун чоралар кўради. «Ўтли ёй» фильми совет қўшинларининг Курск майдонларида қўлга киритган тарихий ғалабаси, Орел ва Белгороднинг озод этилиши билан тугалланади.

КИНО

Лекин бу маҳал фашист Германияси занифлашиб қолганди, дейиш нотўғри бўлур эди. У ҳали ҳам кучли армия ва техникага эга эди. Барбдан янги-янги кучларни олиб келиб, совет-немис фронтига ташларди. Бизни яна кўп қаттиқ жанглар кутмоқда эди. Лекин шунга қарамай немис-фашист давлатининг тақдири ҳал бўлиб қолганди. Айниқса гитлерчиларнинг Днепр соҳилларида қақшатгич зарбага учраганлигидан сўнг немис генералларида ҳам фашист Германиясининг ҳалокатига шак-шубҳа қолмади.

Киноэпопеянинг иккинчи фильми — «Ериб ўтиш» ана шу ғалабани тасвирлашга бағишланган. Бу жангларда ҳам совет ҳарбий стратегияси ва тактикасининг кучи яққол намоён бўлади.

«Халоскорлик» киноэпопеясининг учинчи фильми — «Асосий зарба йўналиши» икки сериядан иборат. 1944 йили ёзида Совет армиясининг жанг ҳаракатлари планини тузиш ва бу планни амалга оширш бу фильм сюжетига асос бўлган.

1944 йил баҳорига келиб совет-немис фронтида вазият ва кучлар таносуби бизнинг фойдамизга ўзгариб кетди. Энди гитлерчиларнинг олий бош қўмондонлиги ҳужумга эмас, кўпроқ мудофаага умид бозларди. Душман стратегик ташаббусни қўлдан бериб қолганди. Фашист саркардаларининг нияти, мудофаа жанглари воситаси билан урушни чўзиб, вақтдан ютиш ва иттифоқчилар орасига ихтилоф солиш, яна куч йиғишдан иборат эди. Аммо Олий Совет Бош Қўмондонлиги гитлерчиларнинг ниятларини сезиб, уларни бу имкониятдан маҳрум этиш учун чора-тадбирлар кўрди.

Ҳужум йўлсиз, ботқоқзор жойлардан, немисларнинг хаёлига ҳам келмаган томондан бошланди. Натижада оғир машиналар — танклар, тўплар ботқоқзорлардан ўтказилиб, фашистларнинг 800 мингдан иборат армияси узил-кесил тор-мор этилди.

Киноэпопеянинг охирги «Берлин учун жанг» ва «Сўнгги ҳужум» фильмларида гитлеризмнинг ўз уясида, Берлинда мажақланиб ташланиши ,фашист Германиясининг сўзсиз таслим бўлиши ўз инъикосини топди. Бу фильмда Европа меҳнаткашларининг интернационал бирдамлиги, уларнинг ўз халоскорларига — совет кишиларига нисбатан меҳр-муҳаббати тасвирланган.

Бу фильмларни томоша қилар эканмиз кўз ўнгимизда совет солдатининг мужассам образи намоён бўлади. Капитан Цветаев (Н. Олянин), медицина ҳамшираси Зоя (Л. Голубкина), полковник Лукин (В. Санаев), полковник Громов (В. Самойлов), саперлар старшинаси (М. Глузский), Польша қўшинлари подпоручиги (Д. Олбрихский) ва бошқа кўпгина образларда совет кишисининг олижаноб фазилатлари, Ватанга садоқати кўрсатилган. Шу билан бирга киноэпопеяда тарихий шахслар — Совет Иттифоқи маршаллари ва генералари — Жуков (М. Ульянов), Рокоссовский (В. Давидов), Василевский (Е. Буренков), Антонов (В. Стржельчик), Ватутин (С. Харченко), Конев (Ю. Легков), Москаленко (Н. Рушковски), Рибалко (Д. Франко), Катуков (Ю. Забелин) ва бошқалар қатнашадилар. Сталин образини Б. Закариадзе яратган.

Авторларнинг Улуғ Ватан урушида иштирок этганликлари киноэпопеянинг қатор ютуқларини таъминлаган. Сценарист ва режиссёр Юрий Озеров Фрунзе номли ҳарбий академияни битириб, етти йил армия сафида хизмат қилган ва жангларда қатнашиб Кенигсберггача етиб борган. Ёзувчи Юрий Бондарев эса артиллерия полкида хизмат қилиб, Курск жангларида қатнашган, Киевни озод қилишда иштирок этган, Польша ва Чехословакияни жанглар билан босиб ўтган. Яна бир сценарий автори Оскар Курганов эса «Правда»нинг ҳарбий мухбири эди. Оператор Игорь Слабневич танкчи бўлган, кўпгина шиддатли жангларни бошидан кечирган.

Тарихий воқеаларни ҳаққоний равишда тасвирлаш учун совет генераллари ва маршаллари катта ёрдам кўрсатганлар. Генерал-полковниклардан С. М. Штеменко, Г. Н. Орёл, А. И. Родимцев, генерал-лейтенант С. П. Синяков ҳарбий консультант сифатида киноэпопея яратилишига катта ҳисса қўшганлар. Фильм авторлари ҳарбий стратегия масалалари юзасидан маршаллар Г. К. Жуков, И .С. Конев, К. С. Москаленкнинг қимматли маслаҳатларини олишган.

Киноэпопеянинг асосий қаҳрамони совет халқи, Коммунистик партиядир. Кўп персонажлар экранда бир зумгина кўринадилар, лекин авторларнинг, артистларнинг маҳорати ҳам шундаки, бирнеча ёркин деталь воситаси билан тўлақонли образ яратда олганлар. Поручик Домбровский ё алоқачи Дорожкинни бирнеча кадрлардагина кўрамиз, лекин улар хотирамизда узоқ сақланиб қолади.

Асарнинг яна бир яхши хусусияти шундан иборатки воқеалар ғоятда мухтасар тасвирланса ҳам биз улардан муҳим хулосалар чиқариб оламиз. Мана, рейхстагни олиш эпизодларидан бири: лейтенант Берест алоқачи Дорожкинга буюради: «Биринчи қават олинди, деб полковникка хабар бер». Полковник Зинченко эса бу хушхабарни шу заҳотиёқ генерал Шатиловга етказади. У ўз навбатида учинчи, армия қўмондони генерал полковник Кузнецовга хабар беради. Кузнецов хурсанд бўлса ҳам, «Суст жилмоқдасизлар. Тезроқ байроқни тикинглар! Байроқни тикиш керак! Тушундинг-ми?» дейди. Маршал Жуков ҳам бу ҳақда рапортни эшитгач: «Биринчи қаватни олишдими? Ҳаракатингиз суст, суст, генерал!» дейди ва шу онда ўз алоқачисига буюради: «Мени ўртоқ Сталин билан боғланг». Бу воқеалар бир неча дақиқа давом этади, лекин у бутун Совет Армиясининг — оддий солдатдан бошлаб Олий Бош қўмондонликкача яхлит бир организм сифатида ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади.

Бу улкан киноэпопеяни яратишда Германия Демократик Республикаси, Польша киностудиялари ҳам қатнашган. Малъун фашист саркардаларининг жирканч қиёфасини немис артистларининг бир гуруҳи очиб берганлар. Фриц Диц Гитлернинг манфур қиёфасини ғоятда аниқ индивидуал-психологик штрихлар воситаси билан кўрсатиб бераолган.

«Халоскорлик» киноэпопеяси бутун жаҳон экранлари бўйлаб совет халқининг мислсиз жасоратини, халоскорлик миссиясини тараннум этади, совет социалистик идеологиясининг ҳаётбахш кучини тараннум этади.

Муҳсин УМАРОВ.

ЛАҚҚА БАЛИҚ

Бирнеча йил Амударё соҳилида ишлашга тўғри келди. Мен балиқчилар посёлкаси — Қизилжарда яшадим. Қўшниларимиз ҳам балиқчи — колхозчилар бўлиб, асосий касблари балиқ овлашдан иборат.

Хизмат билан қайиқда ўжар Амударёни кезар ва шунда балиқчилар омадининг гувоҳи бўлардим. Шу ерда туғилиб ўсган овчилар балиқ тутишнинг энг нозик сирларигача билишаркан. Шунинг учун ҳам улар кўпинча 100 килограммдан ҳам ортиқроқ вазнли балиқларни тутишга муяссар бўлишарди.

Менинг ён қўшним —паромчи Тўлаган кечқурун чироқ ёққани чиққанида, дарёга бир неча қармоқ ташлаб келади. Тонг саҳарлаб чироқларни ўчиргани борганида эса ҳамма вақт ўлжа билан қайтади. Шунда у менинг эшигимдан мўралаб, балиқ шўрвага таклиф қилиб кетади.

Бир куни у деразамни тақиллатди:

— Юр, мен тутган лаққани кўрасан.

Соҳилга келиб, ҳайратдан ёқамни ушладим. Ёйилган брезент устида истар-истамас ҳаракатланиб, жуда катта балиқ ётарди. Балиқ қабул қилиш пунктида уни тортишди: 146 килограмм! Йиртқич лаққанинг ошқозонидан яқинда ютилган йирик-йирик танга балиқлар чиқди.

Ўзбекистонда Орол денгизи ҳавзасининг дарё ва кўлларида лаққа кенг тарқалган. У 30—40 йил яшайди, вазни эса 20 пуддан ҳам ошади.

Сирдарё ва Амударёда лаққа тинч оқар жойларда яшайди. Йиртқич балиқлар орасида лаққа дарёда яшашга кўпроқ мослашган ҳисобланади. У «қароқчилик»ни ҳаётининг биринчи ёзданоқ бошлайди. Лаққа дуч келган ўлжани еяверади. Йирик лаққа ошқозонидан балиқлар, ондатра, ўрдакларни топиш мумкин.

Мен 1952 йилда Амударё соҳилларини чигиртка босганининг гувоҳи бўлганман. Улар қўнғир-қизғиш бўлиб булут каби ҳавода пайдо бўлди, бир қисми дарё юзасига қўнди. Бирнеча минутдан сўнг дарё тўлқинланди. Соҳилдаги чакалак орасига беркиниб, бу манзарани қизиқиш билан кузатдим: лаққалар чигирткани овлашарди. Бирдан жуда катта лаққа сув юзасида пайдо бўлди ,у чигиртка билан бирга қўшиб улкан бир балиқни ҳам ютиб юборди.

Йирик лаққалар инсон учун ҳам хавф туғдиради. Л. П. Сабонеев «Россия балиқлари» номли машхур китобида Волгада уч пудлик лаққа оёғини сувга солиб ўтирган болани сувга тортиб кетганини ёзади. Таниқли ихтиолог профессор Г. В. Никольский 1934 йили Амударёда лаққанинг 14 яшар болага қилган ҳужуми ҳақида ёзади.

1964 йили Шовот районидаги Киров номли колхозда содир бўлган ҳодиса ҳақида эса «Сельская жизнь» газетаси батафсил ҳикоя қилди. Спортчи йигит Машариф Мадраҳимов қамиш ўраётганида лаққа унга ҳужум қилган. Балиқ билан йигит ўртасидаги жанг бирнеча минут давом этди. Машариф омади келиб, оёғини балиқнинг оғзидан чиқазиб олди. Сўнг ўроқ билан унинг бошига бирнеча марта туширди. Кейин нима бўлганини эслай олмайман,— деди Машариф уни ҳушсиз топиб олган ўртоқларига. Сал наридан эса 139 килограммлик лаққани ўлик ҳолда топиб олишган...

Қариялар 300 килограммдан ортиқ лаққалар ҳам бўлишини айтадилар.

Лаққанинг гўшти юмшоқ, мазали, ёғлиқ. Шунинг учун лаққанинг мухлислари кўп.

В. УРИЦКИЙ,
Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институти ходими.

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги Ленин номли колхоз теплица хўжалигида сабзавот маҳсулотлари билан бир қаторда турли гуллар ҳам етиштирилади. Суратда: тажрибали гулчилардан М. Норинбоева, М. Шукурова ўртоқлар.

Ф. Абдурасулов фотоси.

БИЛДИРИШ

Тошкент ишчи-мухбирлари университети тингловчиларнинг навбатдаги машғулоти оғуғ ўтказилади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р — 08862. ИНДЕКС 64697. Б. 1709.